

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIYOLILARI GAZETASI \* معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 7-iyul, chorshanba № 55 (7664)

## Da'vat

**Boshqalarga ma'qul ko'rmagan odatlardan o'zing ham ehtiyot bo'l.**

Katta KATON

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI


### AMALIY TASHRIF

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov Rossiya Federatsiyasi Prezidenti Vladimir Putinning taklifiga binoan 2-3-iyul kunlari amaliy tashrif bilan Rossiyada bo'ldi. Unda Hamdo'stlikning sentabr oyiga mo'ljallangan Ostona sammitiga tayyorgarlik ko'rish, MDH doirasida integratsiya jarayonlarini jadallashtirish va savdo-iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirish, Afg'onistondagi vaziyatga doir masalalar hamda tomonlarni qiziqtirgan qator xalqaro va mintaqaviy muammolar yuzasidan fikr almashildi.

Sammit qatnashchilari Hamdo'stlik doirasida erishilgan kelishuvlar va imzolangan hujjatlarni hayotga tatbiq etish jarayonlari, hamkorlik samarasini oshirish masalalarini muhokama etdilar.

Prezident Islom Karimov Rossiya Federatsiyasi hukumati raisi Mixail Fradkov bilan uchrashdi. Muloqot chog'ida asosan mamlakatlarimiz o'rtasida savdo-iqtisodiy hamkorlikni rivojlantirishga oid masalalar yuzasidan fikr almashildi.

(Davomi 2-betda)



Эсингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 3 июль сонидида «Меҳрибонлик оромгоҳи 2-мавсумини бошлади» сарлавҳали хабарни чоп этгандик. Ушбу фотолавҳаларда эса ана шу оромгоҳ ҳаёти, тўғарақлар фаолияти акс этган.

«Мохир кўллар» тўғарағидаги кизалоқлар ишлатилмай, ортиб қолган хамирдан мана шундай чиройли ижод намуналари яратишади.

«Тоғ — пиёда сайёҳлиги» тўғарағи аъзолари эса устоалар, республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази болалар туризми инструктори Жўраҳон Бердиевдан саёҳатга чиқканда қандай қилиб палатка қуриш, дарёдан кечиш каби сайёҳлик сирларини ўрганмоқдалар.

Бурҳон РИЗО олган суратлар



# УЛКАН ИШЛАРГА ПЕШВОЗ



Бу йилги битирувчи магистрлар ҳақидаги хабарлар билан 2-бетда танишасиз.

## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ АБИТУРИЕНТЛАРНИ КУТМОҚДА**  
2-бет

**МАКТАБЛАРНИ КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ҚАЙ АҲВОЛДА?**  
3-бет

**ЎҚУВЧИ ВА ЎҚИТУВЧИГА МАЪҚУЛ ДАРСЛИК**  
5-бет

**МУАЛЛИМ — БИЛИМ ЙЎЛДОШИ**  
8-9-бетлар

**КУТУБХОНАЛАР ТУБДАН ЎЗГАРАДИ, УЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАМ**  
11-бет

**ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЧУН ФИЛЬМЛАР ҚАНДАЙ ТАНЛанаДИ?**  
12-бет

## Ibrat

**Buxorodagi neftni qayta ishlash zavodi Buxoro neft va gaz sanoati kolleji ehtiyojlari uchun 10 million so'm mablag' va «Otayo'l» avtobusi ajratdi.**



**SO'NGGI  
UCH KUN  
MUJDALARI**(Davomi. Boshi 1-betda)  
**OQSAROYDA QABUL**

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 6-iyul kuni Oqsaroyda Mustaqil Davlatlar Hamdo'stligi Ijroiya qo'mitasi raisi Vladimir Roshayloni qabul qildi.

Ijrochi kotib lavozimi uning zimmasiga MDH mamlakatlardagi vaziyat va qarashlarni o'rganib, zarur reja va tavsiyalarni ishlab chiqish vazifasini yuklaydi.

Hozir MDH doirasidagi munosabatlarda erkin savdo zonasi barpo etish, a'zo mamlakatlar o'rtasida savdo-iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirish masalalari yanada dolzarblashmoqda.

Oqsaroydagi uchrashuvda MDH mamlakatlari o'rtasidagi munosabatlar va ko'p tomonlama hamkorlikning bugungi ahvoli va istiqboli yuzasidan fikr almashilar ekan, ana shu masalalar atroficha muhokama qilindi. Hamdo'stlikning sentyabrga mo'ljallangan Ostona sammitiga tayyorgarlik borasida fikr-mulohazalar bildirildi.

**KOMISSIYA MAJLISI**

Vazirlar Mahkamasida O'zbekiston Respublikasi radiochastotalar bo'yicha Davlat komissiyasining navbatdagi majlisi bo'lib o'tdi.

Uni O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari, komissiya raisi A.Oripov boshqardi.

Majlisda «Teleradioeshittirish sohasida chastotalarni tanlov asosida taqsimlash tartibi to'g'risidagi nizom» va yangi tahrirdagi «Radiochastota spektri monitoringini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi nizom» loyihasi ko'rib chiqildi.

Muhokama etilgan masalalar yuzasidan tegishli qarorlar qabul qilindi.

Бу йилги олий таълим муассасаларига, хусусан, педагогика институтларига абитуриентлар ҳужжат топширишлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари хабарлар тарқатмоқда. Ушбу институтлардаги махсус сиртқи таълимга абитуриентлар қабули қай даражада кечяпти? Халқ таълими вазирлиги Олий, олийдан кейинги таълим ва фан бўлими бошлиғи Эркин Зарипов шу каби саволларга жавоб беради.

— Махсус сиртқи таълим борасида ҳукуратимиз қарори бўйича халқ таълими тизимида айни кунгача амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берсангиз?

— Президентимиз ўзлари-

меҳнатини моддий рағбатлантиришни янада кучайтириш мақсадида қабул қилинди.

Шунинг учун ҳам республикамиз таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагоглар ўз билим, малака ва кўник-

# МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ АБИТУРИЕНТЛАРНИ КУТМОҚДА

нинг қатор нутқларида барча таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагоглар, айниқса бошланғич таълим ўқитувчилари олий маълумотли бўлишлари зарур эканлигини таъкидлаганлар. Бу фикр Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 28 июндаги «2001-2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига қабул квоталари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июлдаги «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг, энг аввало, бошланғич синфлар ўқитувчиларининг

маларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда оширишларига катта имконият яратилмоқда.

— Махсус сиртқи таълимга қабул бўйича ҳам талабгорларга ахборот берсангиз. Айрим абитуриентлар махсус сиртқи таълим тугатилибди, деган миш-мишларга ишониб юрибди...

— Бу миш-мишлар нотўғри. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонини бажариш ҳамда таълим муассасалари, айниқса, умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш мақсадида 2004 йил 24 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 ўқув йилида

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Мазкур қарорда давлат педагогика институтларининг махсус сиртқи бўлимларига ўрта махсус маълумотли ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 йил амалий педагогик стажга эга бўлган педагог кадрлардан бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабалар қабули режаси белгиланган.

Жумладан, республикамиздаги 20 та педагогик йўналишлардаги олий таълим муассасаларининг махсус-сиртқи бўлимларига қабул учун 5000 нафар жой ажратилиб, шундан

жатларни тайёрлаш, маҳаллий телевидение, радио ва матбуотда чиқишларни ташкил қилмоқдалар.

Олий ўқув юртлири қабул комиссиялари томонидан таълим шакллари ва тиллар бўйича грантлар ва тўлов-контрактлар асосидаги ўринлар квотаси ва қабул жараёнига тегишли бошқа маълумотларни эълонлар тахталарида акс эттириб, кундалик қабул қилинган ҳужжат (ариза)лар сонини тахталарда кўрсатиб, ошкораликни таъминламоқдалар.

Бундан ташқари, узоқ бир қанча туман ва шаҳарларда ҳам кўчма қабул шаҳобчалари ташкил этилган бўлиб, бу ҳужжат

топшириш учун узоқдан келиб-кетадиган абитуриентлар офирини енгил қилмоқда.

Шунинг билан бирга, махсус сиртқи бўлимларда ўқиш истагини билдирган ўрта махсус маълумотли педагог кадрларнинг олий ўқув юртлирига етиб бориши ва ўқишига кўмаклашувига ҳомийлар жалб этилса, бу уларнинг таълим жараёни сифатини оширишга қўшган ҳиссалари бўларди.

Ушбу муқаддас касбга қизиқиб, ёшларимизнинг келажакини, истиқболини, раванқини ўйлаган педагоглар ушбу ўринларга албатта ҳужжат топширадилар ва олий маълумотли етук мутахассис-педагог бўлиб етишишларига ишончимиз комил.

Камилла АХЛИДИНОВА  
суҳбатлашди.

## УЛКАН ИШЛАРГА ПЕШВОЗ

Тошкент кимё-технология институти ҳовлиси кишилар билан гавжум. Тўқсон нафар магистратура битирувчилари ҳаяжон билан сафга тизилишган. Жаранглаётган мадҳия садолари магистрантларга олдинда улкан ишлар уларни қарши олаётганлигидан огоҳ этаётгандек гўё. Дастлаб битирувчиларни институт ректори, профессор Садриддин Туропжонов кутлаб, келгусидаги илмий ишларида омадлар тилади. Шундан сўнг, академик Нусрат Парпиев ҳамда «Ўзметасабзавот-холдинг» компанияси раиси Азамат Аюпов магистрантларга дипломларни топширишди. Улар орасидан ўн нафари магистратурани имтиёзли диплом билан якунлади. Беш нафар битирувчи магистрлик диссертациясини хорижий тилда ҳимоя қилди. Битирувчиларнинг мақсадлари, келажакдаги орзулари улкан. «Ҳар бир магистрнинг ўзига яраша илми бор, уларга биринчи тилагим, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишинлар. Бизга магистрлик дипломи янги масъулияларни юкламоқда», дейди битирувчилардан бири Аъзамжон Анорқулов.

Битирувчиларнинг хурсандчилиги меҳрибон устозларининг бир неча йиллик меҳнатлари ҳосиласи, албатта. Фарзандлари камолдан ота-оналарнинг ҳам кўнгил шод. «Қизим Дилдора яратилган имкониятлардан фойдаланиб, магистратурани битирди. У мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўша олса, мен шундан фахрланаман», дейди сирдарё-

лик Муҳиддин ака Ниёзматов. Диплом топшириш маросими кекса устозлар, профессор, ўқитувчиларнинг тилаклари, кутлов сўзларига уланиб кетди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида диплом топшириш маросими байрамона тусга кирди. Тадбирда профессор-ўқитувчилар, институт фаолларидан ташқари Хитой элчихонасининг биринчи котиби Сунг Хун Джи, Афғонистон элчихонасининг биринчи котиби Ариф Салими, Туркия элчихонаси маданий масалалар бўйича маслаҳатчиси Аҳмед Канлидере ҳам иштирок этишди. Институтда беш йилдан буён 600 дан зиёд битирувчиларга катта ҳаётга йўлланма берилди. Жорий йилда ўн иккита мутахассислик бўйича 160 нафар магистрант тайёрланди.

— Йилдан-йилга магистрлар тайёрлаш сифати ортиб бормоқда. Бу йилги битирувчиларимиз юздан ортиқ илмий ма-



### Qutlug' ostona

тўлиқ ўрганилмаган «Хитой тилида редупликация» мавзусига бағишладим. Келажакда илмий ишимни янада кенгроқ ёритиш ниятидаман. Олган билимларимизни ҳаётга татбиқ этиш вақти етди», дейди магистратурани имтиёзли диплом билан тамомлаган битирувчи Сабоҳат Ҳошимова.

Кичик тадқиқотчилар устозларидан миннатдор. Илмий раҳбарлар эса биринчи ўқитувчи сингари битирувчилар хотирасига муҳрланади.

Азиз НОРҚУЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

қолалар эълон қилишди, — дейди филология фанлари номзоди А. Ҳабибуллаев.

Қилинган меҳнатнинг самарасини кўришдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Таълим муассасаларидаги ўқитувчилар бир неча йил

лик меҳнатларининг натижасини кўрмоқдалар. «Диссертациямни тартибга солиш ва ҳимоя қилиш вақти келди», дейди магистратурани имтиёзли диплом билан тамомлаган битирувчи Сабоҳат Ҳошимова.

Кичик тадқиқотчилар устозларидан миннатдор. Илмий раҳбарлар эса биринчи ўқитувчи сингари битирувчилар хотирасига муҳрланади.

Азиз НОРҚУЛОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

Навоий давлат педагогика институти-ни тугатган педагог мутахассислар айни кунда нафақат вилоят, балки республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида таълим тизимининг тараққиёт йўлида хизмат қилиб келишмоқда. Яқинда мазкур даргоҳни тугатаётган навбатдаги битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Энг қувончлиси, бу йил институтнинг 10 нафар биринчи битирувчи магистрлари ҳам мустақил ҳаётга йўлланма олдилар.

Анжуманни кириш сўзи билан очган институт ректори, профессор Холбой Ибрагимов мустақил юртимизнинг бахтиёр ёшларини қизгин табриклади. Ҳукуратимизнинг таълим тизимига қаратаётган эътибори, бу борада педагог ўқитувчилар олдида турган масъулиятли вазифалар хусусида алоҳида тўхталди. Шунингдек, Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари Ч.Қаноатов, Навоий шаҳар ҳокими Б.Ҳамдамов, Навоий кончилиги институти ректори Б.Раимжонов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари М.Сафаров ҳам сўзга чиқиб, ёш муаллимларга катта ишонч билдиришди. Магистрантлар ҳам ўз навбатида устозларига дил ташаккурларини изҳор этдилар.

О.ОЧИЛОВА  
Бурҳон РИЗО олган сурат.



**Farmon va ijro**

— Норбек ака, мактабларни замонавий техник воситалари, компьютер техникаси ҳамда уларни дастурий материаллар билан таъминлашнинг бугунги кундаги аҳволи ва режалар хусусида гапириб берсангиз.

— Мактабларнинг компьютерлар билан таъминланиш даражаси, жумладан, компьютер синфлари ва интернетга улиши бўйича 2002-2004 йиллардаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, республикамиздаги 9727 та умумтаълим мактабларининг 1431 таси (14,7 фоиз) IBM PC ва Pentium I-IV русумли компьютер воситалари билан таъминлангандир. Умумтаълим мактабларидagi мавжуд 4619 та компьютер синфлари бундан 13-15 йил илгари ишлаб чиқилган бўлиб («Правец», «Агат» русумли), улар бугунга келиб маънавий томондан ҳам, техник жиҳатдан ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолган. Республикамининг 4807 та мактабида умуман компьютер мавжуд эмас. Шу боис ин-

оширилмоқда. Бугунги кунда режалаштирилган мактабларга компьютерларни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилди ва улардан 67 таси интернет тармоғига ҳам уланди. Ушбу лойиҳа 2003 йил июль ойидан ўз ишини бошлади ва унинг доирасида 6 та шаҳардаги (Анджон, Наманган, Фарғона, Қарши, Термиз ва Нукус) жами 60 та мактабни интернет тармоғига улаш ҳамда ундан фойдаланиш борасида информатика ва ҳисоблаш техникаси фани ўқитувчилари учун тренинглар ташкил этиш кўзда тутилган. Бугунги кунгача лойиҳага асосан 31 та мактаб интернетга уланди, қолган 29 тасини шу йил ёз ойларида интернетга улаш режалаштирилган. Лойиҳа 2005 йилнинг ноябрь ойигача давом этади.

2004 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан 2,5 миллиард сўмга умумий ўрта таълим мактабларини компьютер техникаси билан таъминлаш доирасида тендер савдолари ўтказилмоқда. Бу маблағга 250-300 та компьютер синфи олиш мумкин. Келгусида жалб этилиши мўлжалланган маҳаллий ва халқаро лойиҳалар,

хорижий инвестициялар, грантлар, кредитлар жумласидан малака ошириш тизимида масофадан ўқитишни

умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлашда, хусусан, мактабларни компьютерлаштиришда муҳим омил бўлади. Агар компьютер техникасига эҳтиёжни ҳар бир мактаб учун битта компьютер синфи ҳисобидан белгилайдиган бўлсак, республика бўйича унга эҳтиёж 7962 тани ташкил этиши аниқланган.

— **Мактабларни компьютерлаштириш механизми қандай ташкил этилади? Бу жараён дастлаб тумандаги салмоқли, обрў-эйтиборли мактаблардан бошланиб, «оддий» мактаблар эса энг охириги муддатларга қолиб кетмайдими?**

— Мактабларни компьютерлаштиришда салмоқли, обрў-эйтиборли ёки қишлоқдаги оддий мактаб деб ажратилмайди. Қуёш ҳаммага баробар нур сочгани каби фарзандларимиз таълим оладиган мактабларнинг барчаси бу жараёндан четда қолиб кетмаслиги кўзда тутилган. Мисол тариқасида айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури экспертлар ассоциацияси ҳамда «Шарқ Телеком» компанияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида (қишлоқ мактабларида) компьютерлаштиришни ва ягона ўқитиш информации муҳитини ривожлантириш лойиҳаси» устида иш олиб борилмоқда. Лойиҳа бўйича дастлабки босқичда Бухоро, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида 40 та қишлоқ мактабларининг интернетга улалиши кўзда тутилган.

— **Компьютер синфлари ташкил қилинган мактабларни компьютер**

**Маълумки, замонавий ахборот технологияларининг кундалик ҳаётимызга кириб келиши, ҳар бир соҳа учун зарур ва бу улкан имкониятлар эшигининг очилишида муҳим омил эканлиги айни чоғда яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида компьютер сирларини тўлиқ ўзлаштирган талаба-ёшлар етук мутахассис сифатида иш фаолиятини бошламоқдалар. Зотан, бугунги тараққиёт даврида бунинг нечоғлик кераклиги, аҳамиятлиги сезилмоқда. Эндиликда республикамиз мактабларида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳам компьютер техникасидан бемалол фойдаланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш кучайтирилмоқда. Бу борада Юртбошимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони умумтаълим мактаблари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этишда зарур омил бўлди. Республика Халқ таълими вазирлигининг Ахборот технологиялари бўлими бошлиғи Норбек Тойлоқов билан суҳбатимиз ана шу каби масалалар хусусида кечди.**

**МАКТАБЛАРНИ**

**КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ҚАЙ АҲВОЛДА?**

форматика фани амалий машғулотларсиз ўтилмоқда. Бу эса давлат таълим стандартлари талабларини тўлиқ бажариш имкониятини бермаётир. Жойлардаги умумтаълим мактабларининг интернет тизимида ишлаши учун мақсадли маблағлар ажратилмаганлиги сабабли техник жиҳатдан шароит мавжуд бўлган мактабларнинг 142 тасигина (1,4 фоиз) ҳомилар маблағи ҳисобига интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишмоқда.

2000 йилда 83 та компьютер синфлари, 2001 йилда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 128 та компьютер синфлари мактабларга ўрнатилган. 2002 йилда компьютер техникасини олиш учун бюджетдан режалаштирилган 1,75 миллиард сўм маблағ молиялаштирилмаган. 2003 йилда АҚШнинг ЮСАИД (USAID) ташкилоти томонидан мактаблар учун 102 та компьютер комплект синфлари ажратилган ва мактабларга ўрнатилган. Давлат бюджетидан эса умуман маблағ ажратилмаган.

Мактабларни компьютерлаштириш бўйича 2002-2004 йилларда амалга оширилган ва давом этаётган маҳаллий ҳамда халқаро лойиҳалар, хорижий инвестициялар, грантлар, кредитлар, уларнинг ҳажми, олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, мактаблар учун зарур бўлган компьютер техникасини олиш асосан бюджет маблағлари ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан маҳаллий ҳокимиятларнинг молия органлари орқали молиялаштирилган. Умумий ўрта таълим мактабларида 2002-2004 йилларда турли маблағлар ҳисобидан жами 371 та компьютер синфлари ўрнатилган. Жумладан, «Ўзбекистон мактабларига компьютер техникаси» лойиҳаси доирасида жами 102 та мактабни компьютерлаштириш кўзда тутилган бўлиб, ушбу «Ўзбекистон» мактабларига интернет тармоғи» лойиҳаси АҚШ давлат департаменти томонидан молиялаштирилиб, IREX ташкилоти томонидан амалга

жорий этиш борасида Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Таълим секторини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи иш олиб бормоқда. Унда республика ҳудудда 85 та масофадан ўқитиш ресурс марказларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Халқ таълими вазирлиги таълим тизимини компьютер техникаси билан таъминлаш аҳволини яхшилаш учун чет эл инвестицияларини жалб қилиш борасида ҳам муайян ишларни олиб бормоқда. Жумладан, Хитойнинг CNTIC IBC компаниясининг таклифига биноан 2000 та компьютер комплект синфларини имтиёзли кредитлар ҳисобидан мактабларга ўрнатиш борасида музокаралар олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа бугунги кунда республикамизнинг тегишли вазирлик ва идоралари томонидан ўрганилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2003-2004 ўқув йилида ҳар юз ўқувчига 1,46 та (информатика фани ўрганиладиган 8-11-синф ўқувчилари сонига нисбатан) замонавий компьютер тўғри келади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 7 тадан 13 тагача тўғри келади. Сўнгги пайтда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, янги ўқув йилидан эътиборан республикамизнинг барча умумтаълим мактабларига физика, математика, информатика, иқтисодий билим асослари, география, она тили ва адабиёт, ўзбек тили (рус гуруҳлари учун) фанларидан замонавий ўқитиш услублариغا асосланган электрон дарсликлар етиб боради.

— **Мактабларга ўрнатилган дастлабки компьютерлар (масалан, «Правец», «Агат» русумли) сақланиб қоладими ёки ҳаммаси замонавийлашадими?**

— Айрим мактабларга ўрнатилган дастлабки «Правец», «Агат» каби компьютерлар янги компьютерлар етиб боргунча сақланиб қолади. Мазкур фармон

мутахассислари билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш қандай амалга оширилади?

— 2002-2003 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактабларида 6304 нафар ўқитувчи информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанидан дарс берган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, информатикадан дарс берувчи ўқитувчиларнинг асосий қисми математика ва физика соҳасидаги мутахассислардир. 2003 йилда 227 нафар талаба педагогика институтларини ва 258 нафар талаба Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика, Анджон, Бухоро, Термиз давлат университетларини математика-информатика йўналиши бўйича тугатишди. Шунингдек, 50 нафар мутахассис қайта тайёрловдан ўтиб, информатика фани ўқитувчилари сафига қўшилдилар.

2004 йилнинг март ойи ҳолатига кўра, умумтаълим мактабларида информатика ва ҳисоблаш техникаси фани бўйича дарс бераётган ўқитувчилар шаҳар мактабларида 1700 нафар, қишлоқ мактабларида эса 4924 нафар, жами республикамиз бўйича 6644 нафарни ташкил этади.

2004-2005 ўқув йилида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги педагогика институтларида математика, информатика ихтисослиги бўйича 395 нафар талаба қабули режалаштирилган бўлиб, жумладан, Нукус давлат педагогика институти 94 нафар, Жиззах давлат педагогика институти 47 нафар, Тошкент вилоят давлат педагогика институти 63 нафар, Навоий давлат педагогика институти 118 нафар, Кўқон давлат педагогика институти 73 нафар талабани ўқишга қабул қилади. 2004 йилда информатика ўқитувчиларидан 1055 нафари ўз малакасини оширадилар.

Фофур ЖАБИЕВ  
суҳбатлашди.

**ИЛМ РАВНАҚИ — ЭЛ РАВНАҚИ**

Юртимизда халқ таълимига алоҳида эътибор билан қаралапти. Хусусан, шу соҳада ишлаётган ўқитувчи-мураббийлар меҳнати етарли даражада рағбат топапти. Куни кеча матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 йил 1 августдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори фикримизга яққол далил бўла олади. Бунга Президентимиз Ислам Каримовнинг илм равнақи — эл равнақи йўлидаги савий-ҳаракатларининг яна бир намунаси деб қарашимиз зарур. Хуллас, бу эътиборга муносиб жавоб беришимиз, ҳар бир дарс самарадорлигини таъминлаш, ўқувчиларда энг зарур кўникмаларни ҳосил қилиш, уларга она тупроғини тўтиёдек эъзозлашни ўргатиш муқаддас бурчимизга айланиши лозим.

Орзигул МАТҚУРБОНОВА,  
Яккасарой туманидаги  
127-мактаб ўқитувчиси

**Munosabat**

**БУГУНГИ ЭЪТИБОР — ИШОНЧДАН ДАРАК**

Мактабга эътибор миллат истиқболига қайғуриш демакдир. Зеро, таъбир жоизки, келажак айни маскан остонасидан бошланади. Бугун халқ таълими тизимида кечаётган ислохотларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши боиси ҳам шунда, аслида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши соҳа тараққиётини таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Унда ҳозирда мактаб таълими тизимидаги мавжуд муаммоларнинг барчаси эътиборга олинган ҳолда масалага ечим топиш чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган.

Сизга маълум, босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тўлиқ амалиётга жорий этилишида бугунги сифат босқичида эришилажак ютуқлар муҳим омил ҳисобланади. Ушбу омил эса айни юқоридаги Президент Фармонининг бажарилиши билан боғлиқ. Зотан, унда мактаблар моддий-техника базасини ривожлантиришдан тортиб, ўқитувчилар, энг аввало, бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантириш борасидаги тизимни такомиллаштирган ҳолда педагоглар истеъдоди, касб маҳоратини белгилловчи мезонга айлантириш лозимлиги алоҳида таъкидланган эди. Шунга кўра бугун юртимиздаги мавжуд мактабларнинг моддий-техника базаси қайта танқидий ўрганилиб чиқилиб, ҳолатни яхшилаш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди. Куни кеча эса матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори барча ўқитувчилар эътиборини ўзига тортганлиги тайин.

Ўқитувчи меҳнатининг оғирлиги, масъулиятлиги барчага маълум. У инсон қалбининг меъморини. Қалби гўзал инсон эса юртни-да, келажакни-да обод қилиши, табиий. Шу жиҳатдан қараганда, Президент Фармонига биноан ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва тариф ставкаларни тизимини қайта кўриб чиқиб, уларнинг ўзига хос меҳнат фаолиятдан келиб чиққан ҳолда Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасининг жорий қилиниши аҳамиятга молик. Албатта, ўқитувчининг моддий таъминоти таълим сифатини белгилловчи муҳим мезонлардан ҳисобланади. Муҳими, бу мезон ўқитувчи фаолиятининг ҳар бир жиҳатини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда рағбатлантириши дилмиздаги гап бўлди. Бу савий-ҳаракатларнинг барчаси ўқитувчининг ўз устида янада кўпроқ ишлаши, болалар тақдирига янада масъулиятлироқ ёндашишини таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, бугун таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси эртанги фаровон ҳаёт, фарзандларимизнинг истиқболи учун қилинаётганлигини барча юртдошларимиз бирдек ҳис этиб турганлигига аминман. Аммо тан олиш лозим, ҳали ечимини кутаётган муаммолар, ислохотталаб соҳалар йўқ эмас. Бу эса, ҳар бир кишидан ўз ишига масъулият билан эътибор қаратишини талаб қилади. Уйлайманки, биз—ўқитувчиларга билдирилаётган озгина бўлса-да ишонч, кичик бўлса-да эришган муваффақиятларимизга элнинг хайрихоҳлигидан дарак. Бу ҳозирда мавжуд муаммоларни бартараф этишимизда бизга қувват бўлади.

М.КАРИМОВА,  
Чилонзор туманидаги  
200-мактабнинг  
бошланғич синф ўқитувчиси



## МАЪНАВИЯТ, ТАСАВВУФ ВА МАФКУРА

Ўзбекистон Миллий Университети фалсафа факультетида "Маънавият, тасаввуф ва мафкура" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Бу каби анъанавий анжуманлар мазкур йилда профессор Маҳмуджон Нурматов илмий раҳбарлигида доимий ташкил этилиб борилди. Анжуманда ўттизга яқин талаба ўз мустақил маърузалари билан қатнашдилар. Улар орасида Фуркат Нормуродов буюк ҳадисшунос имом ал-Бухорийнинг, Элдор Тўхтабоев Жалолиддин Мангубердиннинг, Дониёр Исмоилов буюк тасаввуф мутафаккири Баҳоуддин Нақшбанднинг ижодий фаолияти, уларнинг илмий-адабий жараёнга қўшган ҳиссалари, тасаввуфий қарашларини тўлақонли ёритдилар. Талабалар маърузаларини тайёрлашда Юртбошимиз Ислам Каримовнинг нутқларидан фойдаланишди. Айниқса, Абдушукур Саидовнинг "Қуръони Каримнинг илмий мўъжизалари" мавзусидаги маърузаси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди, турли баҳсларга сабаб бўлди. Чунки маърузада муқаддас китоб ҳам тиббиёт, ҳам ижтимоий фанларга доир билимлар билан йўғрилганлиги исботланиб, таҳлил этиб берилган эди. Шунингдек, Алишер Раззоқов ва Исроил Бўриевлар томонидан тайёрланган буюк мумтоз шоирларимиз Дилшоди Барно ва Анбар Отиннинг бизга қолдирган бебаҳо хазинасига доир икки мустақил маъруза анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Шуниси эътиборлики, анжуманнинг мазмундор ва қизиқарли бўлишини таъминлаш мақсадида, аввало, республикамизнинг Темурийлар тарихи Давлат музейи, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи сингари маърифат кошоналарида амалий машғулотлар ўтказилган эди. Музейларда миллатимизнинг қадимий ва оламшумул маънавият соҳиби эканлигига яна бир бор иқроқ бўлдик. Ана шу назарий ва амалий машғулотларнинг бутун ўқув йили давомида уйғун ҳолда олиб борилганлиги анжуманнинг қизиқарли ва жонли чиқишига имкон яратди.

Наргиза МИРСОЛИЕВА,  
ЎЗМУ фалсафа факультети  
2-босқич талабаси

Мақтабдан ташқари таълим муассасалари иқтидорли, ижодкор ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қуватлаш, уларнинг дам олиши ва ижод қилишига имконият яратиш, касб-хунар ўргатиш билан биргаликда ёшларимизни миллий анъаналаримиз ва бой тарихий маданиятимиздан баҳраманд этиб, уларнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтирувчи тадбирлар ташкил этиб келмоқда.

Республика  
ўқув-

## «АГРОИСТЕЪДОД» САБОҚЛАРИ

лар техник ижодиёт Маркази ҳам ўқувчиларнинг савиясини юксалтирувчи турли хил тадбирларни ўтказиб келмоқда. Шулардан бири ҳар ёзда бўлиб ўтадиган "Агроистеъдод" мактабидир. Мактабнинг бу йилги мавсуми ҳам Тошкент вилоятидаги

"Меҳржон" оромгоҳида 18 июндан-2 июлгача ўтказилди.

Ёзги "Агроистеъдод"ни ўтказиш вақтида илмий-техник, умумжисмоний ва махсус тарбия ҳамда маданий дастурлар ҳам амалга оширилди. Илмий-техник дастурда 80 соатлик маърузалар, 40 соатлик лаборатория ва ама-

лий машғулотлар ўтказилди.

"Агроистеъдод" мактабида болалар дам олиш билан бир қаторда ўзлари яратаётган янги техникаларини муҳокама ҳам қилишди.

"Агроистеъдод" мактабининг ёпилиш куни барча қатнашувчиларга фахрий ёрликлар ва совғалар топширилди.

Бекзод АХМАТОВ



Сирғали туманидаги "Истиқлол" номи 565-мактабгача таълим муассасаси ижобий муваффақиятлари билан тилга тушган масканлардан бири ҳисобланади. Муассасаларда ҳар бир ишнинг тўғри ташкил этилишида боғча



## МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА ЯПОН ВА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Самарқанд шаҳридаги 6-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган 120 нафар болажонларга 7 нафар педагог ва 15 нафар тарбиячилар астойдил таълим-тарбия бериб, ғамхўрлик қилишмоқда. Ушбу тарбия масканида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар давлат талаблари асосида амалга оширилаётганлиги боис бугунги кунда 11 та тўғарак фаолият юрсатмоқда. Улар орасида япон ва инглиз тилини ўрганиш бўйича тўғарак алоҳида эътиборга сазовордир. Гап шундаки, бу тўғаракка япониялик кўнгилли Фужита Масами хоним раҳбарлик қиладилар. 2003—2004 ўқув йилида бу тўғаракнинг фаол иштирокчиларидан 15 нафари япон тилини, 10 нафари инглиз тилини ўрганиб, ёзиш, гаплашиш, фикрлаш каби хусусиятларни бинойидек эгаллашди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, 2004 йил 15 майда Тошкент шаҳрида "Бизнес маркази" қошида Япония элчихонасининг "Жайка" ҳамкорлик-агентлик ташкилоти томонидан республикадаги академик лицейлар ўртасида ўтказилган кўрик-танловда ушбу меҳрибонлик уйининг болажонлари ҳам муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 1-ўринни қўлга киритишди. Меҳрибонлик уйи болажонлари кўрик-танлов саҳнасида "Момотоло" япон эртаги асосида тайёрлаган 40 минутлик саҳна томошасини япон тилида намойиш этишди.

Болажонларнинг бундай зукколигига томошабинлар бефарқ бўлмай, олқишлаб туришди. Уларнинг бундай саъй-ҳаракатлари ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан юқори баҳоланди. Япония элчихонасининг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғаларини олишга муносиб деб топилди. Япон элчихонасининг халқаро агентлиги "JICA" ташкилоти билан ҳамкорлигимиз болажонларнинг япон тили ва маданиятини ўрганишга пойдевор бўлмоқда, — дейди меҳрибонлик уйининг директори Зухра Раҳимова.

Ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги билан 2003 йилда меҳрибонлик уйининг болажонлари янги бинога кўчиб ўтишди. Энди чикрида ўқув корпусининг таркибида 120 ўринли ётоқхона, ошхона, қишки спорт зали, 0,60 сотих мева ва боғ, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, маиший хизмат бурчаги ва спортнинг волейбол, баскетбол, футбол майдончалари уларнинг бўш вақтларининг мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда.

Кувонарлиси шундаки, меҳрибонлик уйида тарбияланаётганларнинг 7-8 синф ўқувчилари айни кунда Тошкент ва Самарқанд тоғ олди оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришмоқда. Қолганлари эса касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртига кириш иштиёқида ҳужжат топширишмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

## АЁЛЛАР ҲАЁТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Куни кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мажлислар залида ЮНЕСКОнинг МОСТ дастури Миллий мувофиқлаштирувчи кўмитаси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий Комиссия, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази ва Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамкорлигида "Оила Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётида: анъаналар ва

замонавийлик (социологик таҳлил)" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда жамиятимизнинг ривожланиш босқичида хотин-қизларнинг тутган ўрни, уларнинг ижтимоий ҳимояси, саломатлигини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби масалалар юзасидан социологик таҳлиллар билан таништирилди.

Шунингдек, тадбирда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Барри Лейн, Омбудсман С. Рашидова, Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази директори А. Саидов иштирок этдилар.

Назкат ХОЛМЕТОВА

мудираси Гулчеҳра Умрзоқованинг саъй-ҳаракати катта бўлмоқда.

Суратларда: Илғор тарбиячилар Дилбар Очилова, Зайнаб Акбарова, Камола Йўлдошева болажонлар билан.

Бурхон Ризо олган суратлар

Ёшлар орасида кундан-кунга оммалашиб бораётган гиёҳвандлик ва турли хил жисмоний касалликлар, жамият тараққиёти учун сезиларли даражада ўз салбий оқибатларини кўрсатиб келмоқда. Гиёҳвандликка қарши кураш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бирига айланган.

Бу муаммоларнинг ечимини топиш ва умидини йўқотган ёшларга ёрдам беришдек катта маъсулиятли ишни қўлга олган JICA /World Vision Japan/ Тошкент шаҳрида 2004 йил 1 январдан иш бошлади. Тошкент шаҳрида қисқа муддат ичида 10 та Ишонч пунктлари очилиши билан бирга компьютер ва бошқа анжомлар ўрнатилди. Ишонч пун-

## ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

ктларининг ассисентлари бир қанча мавзуларда семинар тренинглар ўтказди. Ҳозирги вақтда "Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар наркологи диспансер бўлими, Тошкент шаҳар "Маҳалла" жамғармаси ва Тошкентдаги Халқаро Америка CDC ва PSI ташкилоти ваколатхоналари билан яқиндан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.

Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб Ёшлар телеклубида "Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими ва JICA/World Vision Japan/ ҳамкорлигида "Биз Гиёҳвандликка қаршимиз!" шиори остида расмлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Ёшларнинг гиёҳвандликка нечоғлик қарши эканликлари ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари уларнинг ижод маҳсулотларида яққол тасвирланган. Кўргазмада қатнашган ўқувчиларнинг расмлари баҳоланиб голибларга JICA /World Vision Japan/ томонидан тайёрланган эсдалик совғалари тақдим этилди. Тадбир сўнггида Самарқанд ёшлари томонидан тайёрланган махсус спектакль намойиш этилди.

Ёқутхон СУЛАЙМОНОВА



**Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang!**

Жорий ўқув йилида "Маънавият" нашриёти томонидан "Она тили" дарслиги (муаллифлари: Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собиоров, В.Қодиров, З.Жўрабоева) ва "Ўқитувчи китоби" (Муаллифлари: Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собиоров, В.Қодиров) чоп этилди.

Аввало, дарслик тўғрисида. У замон талабларига жавоб берадиган раво тилда, изчил ёзилган. Муаллифлар дарслик ҳамда ўқув адабиётларига қўйилаётган бугунги кун талабларини чуқур тушуниб етганлар, 5-синф ўқувчиларини фикрлашга, фаол ҳаракат қилишга чақирадиган ҳолатларни ўйлаб топганлар. Дарслик давлат таълим стандартларига мос равишда ёзилган.

Янги дарсликда кириш сўхбати учун 2 соат вақт ажратилган бўлиб, биринчи дарсда тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги очиб берилган бўлса, иккинчи дарсда ўзбек тили Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили сифатида талқин қилинади.

лар ёрдамида ифодаланса, дарак гап; буйруқ майлидаги феъллар билан ифодаланган гап — буйруқ гап, кесими сўроқ юкламаларини олган ёки таркибда сўроқ оломшлари, сўроқ оломши иштирок этган гаплар — сўроқ гаплар, шарт-истак майлидаги феъллар орқали ифодаланган гаплар — истак гаплар сифатида изоҳланган.

Содда гапларни мураккаб-лаштирувчи воситалар, уюшиқ бўлақлар, ундалмалар ҳақида эски дарсликда ҳам маълумотлар берилган эди, лекин унда кириш сўзлар тушиб қолган. Янги дарсликда кириш сўзларга ҳам ўрин берилган.

Бундан ташқари, кўчирма гапларни ўрганиш билан бирга, бундай гапларни диалог шаклида баён қилиш мумкинлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилган ва ўқувчилар нутқини ўстиришда катта аҳамият касб этиши ҳисобга олинган.

Она тилидаги 5-синф учун ажратилган 204 соатлик дарсинг ҳар бири ўз дарс ишланмасига эга. Дарслар топши-

жаннати" (21-машқ), "Самарқанд" (268-машқ), "Амир Темур" (389-машқ) деб номланган матнлар фикримизнинг яққол далилидир. Бундай ҳолатни "Уч хотин" (135-машқ), "Саховат нима?" (137-машқ), "Ёмонликнинг жазоси" (89-машқ) каби матнларда ҳам учратишимиз мумкин.

Мазкур дарсликда иқтидорли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун алоҳида топшириқлар берилганки, бу ҳам бугунги куннинг муҳим талабларидан бири саналади. Бу ўзига хослик дарсликнинг қийматини янада оширган.

Дарсликда фанлараро алоқаларга ҳам кенг ўрин ажратилган. Тарих, математика, география фанларига оид атамаларнинг изоҳлари жуда кўп шаклда баён қилиб ўтилган. Дарсликдаги "Мустаҳкамлаш дарслари", "Тестлар устида ишлаш", "Асосий атамалар лугати", "Тушунилиши қийин сўзлар лугати" ҳам унинг аҳамиятини янада оширган.

Умуман олганимизда, мазкур дарслик бугунги кун та-

**МИРИШКОРЛИКЛАРНИНГ МАКТАБГА ЭЪТИБОРИ**

Маҳалла ва мактаб. Аслида бу иккала тушунчанинг бири бевосита иккинчисини тўлдирди. Яхши маҳаллада яхшигина мактаб бўлмоғи керак. Барча шарт-шароитлар яратилган мактабдан ана шу маҳаллага муносиб кадрлар етишиб чиқади. Бир сўз билан айтганда, мактаб маҳалланинг баҳосини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Қайсики маҳаллада мактаб билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган бўлса, ўз-ўзидан ана шу мактабдаги таълим-тарбия ишида юқори самарадорликка эришилаверади.

Қашқадарё вилояти Миришкор тумани ҳокимлигининг ибратли ташаббуси билан жорий йилда маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги, мактабларга меҳмуруват кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ота-оналарни, маҳалла қайвониларини, идора ва ташкилот раҳбарларини, ишбилармон ва тadbиркорлар эътиборини ўз маҳаллаларидаги мактабларга жалб этиш ишини туман ҳокимлиги ўз назоратига олди.

Бу ибратли ташаббус самараси би-

лион сўм маблағ мактабга янги жиҳозлар олиб келишга сарфланадиган бўлди.

Таббир жоиз бўлмаса-да, шуни ҳам айтиликки, Миришкор туманидаги мактабларнинг таъмирлаш ишида саховатли фуқаролар кўмагини ҳам туман ҳокими Халил Соатов бошлаб берди. У киши 1-мактабнинг "География хонаси"ни биринчилардан бўлиб, шахсий жамғармасидан тўлалигича сифатли таъмирлаб берди.

— Туманимиз ҳокимининг ташаббуси кенг қулоч ёйди, — дейди Миришкор туманидаги С.Раҳимов номидаги 1-мактаб директори Рўзибой Қаримов. — Жуда кўплаб ишбилармон ва тadbиркорларимизнинг ҳар бири биттадан ўқув хоналаримизни ўз маблағлари ҳисобидан сифатли қилиб таъмирлаб берди. Аини кунда мактабимизнинг барча хоналари ва заллари сифатли гангли сувоқ билан таъмирдан чиқди. Бу ишга маҳаллаларимиз аҳли ҳам жуда катта ёрдам кўрсатишди. Ота-оналар кўмитасининг раиси Холмурод Самадов маҳаллалар аҳли билан ўзаро тил топи-

**Maktabga yordam — millatga yordam**

лан таълим муассасаларининг бир қатор кам-кўстлари беминнат ҳомийлик ёрдамлари билан тугатила бошлади. Маҳаллалар ҳам, идора-ю ташкилотлар ҳам, ишбилармонлар-у тadbиркорлар ҳам кўлларида келганга мактабларга моддий ёрдамлар уюштирдилар.

Миришкор тумани марказида жойлашган С.Раҳимов номидаги 1-мактабда 2003-2004 ўқув йилида 1453 нафар ўқувчи таълим-тарбия олди. Мактаб биноси катта иншоот. Унда бир неча маъмурий хона ва амалиёт хоналари ҳамда 36 та фан кабинетлари мавжуд. Мактаб биноси бугунги кунга келиб сифатли таъмирга муҳтож бўлиб қолган.

Мактабнинг устки қисмидаги қора мумни олиб ташлаб, шиферлаш керак. Бу катта ишга туман ҳокимлиги маҳаллий бюджетдан 41 миллион сўм маблағ ажратди. Худди шу муносабат билан Миришкор туман ҳокимлиги яна бир ажойиб тadbиркорлик ишини амалга оширди, деб айтиш мумкин.

Туман ҳокимлиги ушбу ишни бажариш истагида бўлган ташкилотлару корхоналар ўртасида тендер танлови эълон қилди. Қайсидир ташкилот бу ишни бус-бутунлигича 40 миллион сўмга бажаришга рози бўлган бўлса, бошқалари ундан-да камроқ маблағга бажаришга розилик билдиришаверишди. Тендерда тумандаги Мурод Хидиров раҳбарлик қилаётган "Асака-УМ" хусусий қурилиш ва ишлаб чиқариш корхонаси ғолиб чиқиб, мактаб биносининг устки қисмидаги ишни 35 миллион сўмга бажариб беришни ўз зиммасига олди. Тендер танлови муносабати билан жамғариб қолинган 6 мил-

лион сўмдан ортқироқ миқдордаги қурилиш ашёларини келтириб берди.

Биз 1-мактабда бўлган кунимизда гувоҳ бўлдикки, "Асака-УМ" хусусий қурилиш ва ишлаб чиқариш корхонаси қурувчилари мактабнинг устки қисмида таъмирлаш ишларини давом эттиришяпти. Тумандаги "Жейнов" пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамияти аъзолари мактабнинг спорт залини таъмирлаш ишларини деярли ниҳоясига етказишган. Тумандаги "Миришкор" ширкат хўжалиги қурувчилари эса мактабнинг спорт майдонига катта таъмирлаш ва қайта қуриш ишларини амалга оширишяпти.

— Миришкор тумани ХТБ тасарруфиди аини кунда 34 та мактаб, 3 та ихтисослашган мактаб, 18 та мактабгача таълим-тарбия муассасалари мавжуд, — дейди туман ХТБ мудир Амир Рўзиев. — Аини кунда тумандаги 1-мактабдан ташқари 3-, 5-, 9-, 10-, 11-, 31-мактабларимизда ҳам худди шундай таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Қолган барча мактабларимизда ҳам таъмирлаш ишлари давом этаёпти. Туман ҳокимлиги ва ХТБ ҳамкорлигида ишлаб чиқилган тadbирга мувофиқ жорий ойда барча мактабларимизда таъмирлаш ишлари ўз ниҳоясига етиши керак. Бу ишда маҳаллалар, тумандаги идора ва ташкилотлар, ишбилармон ва тadbиркорлар, фермерларнинг кўмаги бениҳоя катта бўлаётди.

**Абдували ОБИДИНОВ,**  
**"Ma'rifat"нинг махсус мухбири**

**ЎҚУВЧИ ВА ЎҚИТУВЧИГА МАЪҚУЛ ДАРСЛИК**



Бошланғич синфда олинган билимларни тақрорлаш учун 102 соат мўлжалланган. Унда она тилининг фонетик тизимидан тортиб, то синтактик қурилишига қадар ўқувчиларнинг олган билимларини эсга солиш кўзда тутилади. Она тилининг изчил курси 104-дарсдан бошланади.

Янги дарсликнинг яна муҳим томони шундаки, унда илмий изчиллик, манتيкий кетма-кетлик тамойили устувордир. Хусусан, гапнинг муҳим белгиси кесим эканлиги гап таърифи учун асос қилиб олинган. Гапнинг бутун тавсифи ана шу белги асосида амалга оширилган.

Гапнинг ифода мақсадига кўра турларини белгилашда кесим шакллари асосий эътибор қаратилган. Кесими аниқлик майлидаги феъллар ёки кесим шаклини олган от-

риқлар билан бошланиб, "Билиб олинг", "Эсда тутинг" руқнлари остидаги назарий фикрларни баён этиш билан давом этади. Назарий фикрлар илмий жиҳатдан мураккаб, ўқувчиларнинг бошини қотирадиган даражада баён қилинган эмас, аксинча, содда, тушунарли тарзда, раво услубда ёзилган.

Дарсликнинг диққатга сазовор жойларидан яна бири шундаки, ҳар бир дарсга 5-6 тадан машқ берилди. Машқ учун берилган матнлар ўқувчиларни она-Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга, ўтмиш маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга, уларнинг онгига миллий истиқлол ғояларини сингдириш, инсонларга меҳроқибатли бўлишга қаратилди. "Ўзбекистон — ер юзининг

лаблари асосида ёзилган.

Худди шу гапларни "Ўқитувчи китоби" ҳақида ҳам айтиш мумкин. Унинг маъқул томонларидан бири шундаки, ҳар бир дарснинг аниқ мақсади ва режаси кўрсатиб ўтилган. Дарсларнинг илмий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига алоҳида диққат қилинган. Ёзма ишларни қандай ташкил этиш, тест дарсларини қандай уюштириш тўғрисида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Айрим дарслар учун шундай сценарийлар тузилганки, улардан ҳар қандай ҳолатда бемалол фойдаланса бўлади.

**Қумрихон СУЛТОНОВА,**  
**РТМ бош мутахассиси,**  
**филология фанлари номзоди**

**ОЙДИН ОРЗУЛАР ОҒУШИДА**

Статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, яқунланган 2003-2004 ўқув йилида республика бўйича 47 та академик лицейни 7521 нафар, 800 га яқин касб-хунар коллежини 150 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар ту-



гатиб, ўзлари танлаган йўналишлари бўйича дипломга эга бўлишди.

Ҳар галгидек, бу йил ҳам ЎМКХТ муассасалари битирувчиларига диплом тантанали равишда, ўзгача бир руҳ, кўтаринки кайфият ва байрам шукуҳи уфуриб турган тарзда ташкил этилди.

Бу йил Тошкент шаҳридаги би-

тирувчиси бор 18 та академик лицейни 2183 нафар йигит-қиз тамомлаган бўлса, улардан аъло баҳоларга ўқиган, жамоат ишларида фаол қатнашган ва намунали хулққа эга бўлган 93 нафари имтиёзли диплом олиш бахтига муяссар бўлишди. Шунингдек, пойтахтдаги 82

та касб-хунар коллежини жами 21851 нафар ёш тугатиб, улардан 1697 нафари имтиёзли дипломга эга бўлишди.

Бу йил Мирзо Улуғбек информатика коллежида компьютер графикаси йўналиши бўйича таҳсил олган битирувчилар биринчилардан бўлиб мутахассислик дипломларига эга бўлишмоқда. Мазкур таълим муассасаси бўйича яна

бир янгилик, шу йилдан бошлаб бу ерда Ўзбекистон-Германия лойиҳаси асосида янги йўналиш — ахборот коммуникация технологиялари учун ЭХМ дастурчилари, электроника ва бизнес-экономика соҳалари мутахассислари тайёрланадиган бўлди.

Онус Ражабий номидаги мусиқа педагогика коллежида бу йил илк бор коллеж гуруҳлари битирувчилари учирма қилинди. Битирувчиларга дипломларни тантанали вазиятда топширар экан, коллеж раҳбари Дилором Раҳимова ёш мутахассисларнинг барчасига омадлар ёр бўлишини тилади.

Тошкент туризм касб-хунар коллежида бўлиб ўтган тантанали маросимда "Ўзбектуризм" миллий компанияси масъул ходимлари, ЎМКХТ Маркази, Тошкент шаҳар ЎМКХТ бошқармаси ходимлари, Юнусобод туман ҳокимлиги вакиллари, Ф.Абдуллаев номидаги маҳалла фаоллари ва бошқа меҳмонлар иштирок этиб, битирувчиларга «Оқ йўл» тиладилар.

Урганч Олимпия заҳиралари

касб-хунар коллежи ҳам байрам тантанаси садоларига тўлиб кетди. Хоразмда фаолият кўрсатаётган 52 та касб-хунар, Урганч давлат университети қошидаги академик лицей битирувчилари мустақил ҳаётга йўлланма бериш тadbiri Давлат мадҳияси янграши билан бошланди. Бу йил вилоят касб-хунар даргоҳларини 9200 нафар ўғил-қизлар 88 турдаги мутахассисликлар бўйича тугатдилар. Шундан 2072 нафар (академик лицей ўқувчилари 86 нафар) иқтидорли, салоҳиятли ёшларга имтиёзли дипломлар топширилди.

Хоразм вилоят ҳокими, Ўзбекистон Қаҳрамони Ислом Бобоенов ушбу билимли ўқувчи-ёшларга диплом ва қимматбаҳо совғаларни топширар экан, турли кўрик-танловлар ва фан олимпиадаларида ғолиб бўлган иқтидор эгаларини табриклади.

Битирувчиларнинг байрам тadbiriда вилоят корхона, ташкилот

раҳбарлари, касб-хунар даргоҳлари директорлари, ота-оналар иштирок этишди. Ёшларга шу ернинг ўзида меҳнат дафтарчаси топширилиб, корхоналарга йўлланма берилди. Хусусан, «Феруз» тикувчилик жамиятига 20 нафар тикувчи қизлар ишга қабул қилинди.



**Нурлан УСМОНОВ,**  
**Маҳмад ЗОИРХОН қизи,**  
**Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА,**  
**"Ma'rifat" мухбирлари,**  
**Султонмурод ШАПАНОВ**  
**Суратларда: пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек машина-созлик Тошкент туризм касб-хунар коллежлари битирувчиларига диплом топшириш маросимларидан лавҳалар акс этган.**

**Бурхон РИЗОҚУЛОВ**  
олган суратлар.



Шаҳар четида янги бино қад ростлади-ю бирин-кетин кўни-кўшнилар уй-уйимизга кўчиб кирдик. Ҳамма ўзи билан ўзи овра. Кимдир уйини кўнгилдагидек жиҳозлашга киришган. Яна кимдир усталарни чорлаб, хонадонини орзу-ҳавасидагидек таъмирлата бошлади. Ярим тунгача “тақ-тук” овози тинмайди... Бинонинг чор атрофи яланглик. Аҳён-аҳёнда бўй чўзиб турган янтоқларни демасангиз, яшиллик энган бирон ўт-ўлан ҳам кўзга ташланмайди. Тошшағал, майда-чуйда қурилиш материаллари тупроқ билан қоришиб ётибди. Лекин ҳеч кимнинг бу билан иши йўқ. Давлатнинг юмушию хонадонимизнинг “ичи”дан ортмаймиз. Фақат ёши биздан анча улғурок Илҳом акагина ҳар кун ишдан қайтган, кетмони елкасига ташлаб, кўчага чиқарди. Ҳали бир-биримизни яхши танимаган биз ҳам-соғлар у киши билан нардан-беригина сўрашиб ўтамиз. Илҳом ака эринмасдан очик майдондаги анчагина ерни обдон тозалади. Ёш-яланглар уялганиданми, ҳар нечук қўл солишган бўлишди. Ёз бўйи у киши одатини қанда қилмади. Кеч кузакка бориб, қаердагидир анҳорга бориб туташувчи ариқчалар қазилиб, бинойидек тупроқ хиди уфуриб қолган майдонча атрофига терак қаламчаларини қадаб чиқди. Маҳалла оқсоқоли билан ҳам маслаҳатларини пишитди шекилли, эрта кўклам яна турли-туман дарахт кўчатларини келтириб ўтказди. Биз эса у кишининг бу эзгу ишларини гоҳ илғаб, гоҳ илғамай, шошиб-шошилиб яшайвердик. Шу тахлит орадан беш-ўн йил ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Тўғри, бу давр ичида баъзи биринчи-иккинчи қаватда яшовчилар ҳам ўзлари учун маълум чегараларни белгилаб олиб, тирикчилик учун ул-бул экадиган

бўлишди. Коммунал хўжалиги томонидан манзарали дарахтлар ўтказилди. Атроф ям-яшил тусга кирди. Лекин Илҳом ака барпо этган сўлим боғчанинг таровати ўзгача эди. У киши шовуллаб ўтган-қайтганга ҳузур бағишлаб турган дарахтлар соясига катта чорпоя кўйдирди. Ариқчалар лабига ранго-ранг атиргул тупларини ўтқазиб, райхон уруғларини сепди... Бир йили Илҳом акалар ҳовли олиб, кўчиб кетишди. Ўша чорпоя эса эрта тонгдан ярим шомгача кўни-кўшнилар билан гавжум. Ёзнинг иссиқ палларарида ўспирин йигитчалар

Бир кун хонамга тахририятни қидира-қидира толиқиб кетгани сезилиб турган киши кириб келди.

— Ўзинг учун ўл етим экан бу замонда, — деди у терларини артаркан норози оҳангда. — Газетачилар ҳам бундай биз меҳнаткашларни йўқлай демайди...

У қўлидаги қоғозларини менга узатди-да, яна ўша қиёфада гапида давом этди... Хуллас, у бир мактаб атрофидаги ташландиқ ерни югур-югурлар билан расмийлаштириб олиб, ободонлаштирган экан.

— Бугун тоқзорларимда

воқеа анчагача хаёлимдан кетмай юрди. Бир гал хизмат сафарига бўлганимда тасаввурларим ойдинлашгандай бўлди. Ўша “фидоий”нинг итлар кўриқлайдиган узумзорига болалар тугул катталарнинг ҳам яқинлашиши амри-маҳол эди. Аён бўлишича, у хўжалик раҳбари билан келишиб, эл маъмурчилиги йўлида савоб иш қилиш эмас, балки даромад манбаи ортидан қувган, яна таҳсин излаётган экан.

қилишга қодир этибди. Миннатинг билан бу амалинг шарофатини қирқаяпсанми, эй гофил замондошим, дейди бир ички нидо. Ҳадису шарифларнинг бирида “Бир кўлинг берганини иккинчи кўлинг кўрмасин”, дейилади. Бу ҳикматга амал қилмоқ балки савобга эга бўлмоқ бахтига муяссар этар. Лекин қилган яхши ишинг овозасини кутмоқ бу бахтни остонадан қувмоқ билан баробардир.

...“Болалар уйи”нинг эшиги олдида гўдагини ташлаб кетибди”, деган хабар дилларни ларзага солса-да, афсуски, кулоқларимизга сингишиб қолди. Лекин бу каби масканларга фалон сўмлик матоҳни нишонсиз ҳада этиб кетишибди, деган хабар камёб. Ҳатто қарашларимизга ёқинқирамай туради. Мурувват қилдикми, билишлари, ҳатто эътироф этишлари керакдек.

Мурувватнинг аталиши битта, кўриниши минг хил бўлиши мумкин. Бир оғиз ширин сўз, бир бор меҳр билан жилмайиб боқилган нигоҳ, қоқилганингизда узатилган қўл... Лекин бу туйғу қай тарзда ифода этилмасин, уни самимият бутун этади. Балки қилган мурувватимизни миннатларга қирқирмай шарофатидан баҳраманд бўла билмоқ ҳам маънавий комилликка бориб тақалар. Йилимизнинг “Меҳр ва мурувват йили” деб аталишини ҳам саховатлар сари чорлов, ундовгина эмас, кўнгил қарашларимизнинг томир-томирларига бу фазилатларни сингдиримоқ ҳаракати, нияти дея қабул қилмоқ комиллик далолатидир, бизнингча.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
журналист

## МУРУВВАТНИНГ ШАРОФАТИН МИННАТ ҚИРҚАР

кўрпа-тўшагини олиб чиқиб, мазза қилиб тунашади ҳам. Маҳалланинг йиғинларини, гурунгу гаштаклар ана шу ерда ўтишига ҳамма одатланиб қолган. Ҳар баҳор дов-дарахтлар ям-яшил рўмол ўрагани каби атиргулу райхонлар ҳам ҳеч кимдан алоҳида меҳнат, эътибор кутмайин жилмайиб атрофга хуш бўйини таратаверади... Биров Илҳом акани эслайди, биров йўқ. Биров уни таниса, биров танимайди ҳам. Ўзлари эса келган-кетганларида баъзан болакайларнинг чодир тутиб, оппоқ тут қоқаётганларини ёки гилосхўрлик қилаётганини кўриб қолса, роҳатланиб, жилмайиб кўяди холос...

битган узумлар тилни ёради, анорларнинг энг сара навларидан экканман, — деди ёши бир жойни қоралаб қолган суҳбатдошим ўзига ярашмаган мақтаниш билан.

— Кечирасизу шу неъматлардан мактабнинг ўқитувчию ўқувчилари ҳам баҳраманд бўлишяптими? Ҳеч бўлмаганда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қай йўсиндадир улашиш хусусида ҳам ўйлаб кўрдингизми? Ҳар нечук бу ерлар аввал мактаб ихтиёрида бўлган экан, — дедим у “шикоят”ни тугатгач. Меҳмонга сўровларим ёқмади шекилли, яна қиёфаси тундлашиб, совуқина хайрлашганча чиқиб кетди. Бу

...Хизматчилик. Яқинда бир “тадбир”га боришимга тўғри келди. Бордим у маърака тўйми ёки йиғинлигини рост, ажрата олмай қолдим. Беш-олти нафар зарбоф тўн кийган болакайлару давранинг безатилиши тўйни эслатса, бирин-кетин сўзга сўз, тилакка тилак уланиши галати мажлисбозликка ўхшарди. Деярли барча ташкилотлардан вакиллар чақирилган. “Фалончиев”нинг кам таъминланган оилаларнинг болаларига мурувват кўрсатиб, “қўлини ҳалоллаётгани” ҳамманинг тилида. Уч-тўрт видеочига тиним йўқ. Кўнгил эса гашлангандан гашланаверади; Худо бериб, савоб ишлар

**Бугунги кунда боғча-мактаб мажмуаси — таълимда ўзига хос бу янгилик вақт ўтиши билан кундалик ҳаётимизга чуқур сингиб бормоқда. Жиззах вилоятида ҳам шу турдаги таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Дўстлик туманидаги “Чарос” боғча-мактаб мажмуаси ана шулардан бири.**

— “Чарос” тумандаги “Истиклол-2” хўжалиги ҳудудида жойлашган. 140 ўринга мўлжалланган боғчада ҳозир 135 нафар тарбияланувчи бор. 4 та асосий гуруҳ ва 1 та ноанъанавий гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. 1-синфда 27 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Болаларнинг талаб даражасида билим олишига барча бирдек ҳаракат қилади, — дейди олий тоифали мутахассис Анора Жўрақулова. — Кўргазмалар куроллар, кўшимча адабиётлар машғулотлар сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Болалар 1-синфга мўлжалланган давлат режаси асосида ўқитилади. Уларнинг машғулотларни ўзлаштириш сифати ва даражаси мунтазам назорат қилиб борилади. Машғулотларни кузатганимизда бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. Ўқувчилар матнларни бемалол ўқишади. Сўзларни бўғинлаш, гап тузиш кўникмалари шаклланган. Ҳисоблаш амалларини ҳам қийналмай бажаришяпти. Ҳар бир ўқувчи бир дақиқада ўртача 25-30 та сўз айтиш лаёқатига эга. Йил

## ҚИШЛОҚДА БОҒЧА-МАКТАБ МАЖМУАСИ БОРМИ?

давомида ҳар бир бола 28-30 тагача шеър ёд олган. Дарс чоғида ўқувчиларнинг фаоллиги анча баланд. Биз буни ўтказилган савол-жавоблар жараёнида яна бир бор кузатдик. Камол Баҳриев, Нигора Хушвақтова, Ҳафиза Холиқова, Ойбек Маликов, Ниятулла Холиқов каби ўқувчилар сўзларни бўғинлаш, матнларни ўқиш, ҳисоблаш, шеър айтишда бошқаларга ўрнатилган бўлишмоқда.

Сизнинг назарингизда боғча-мактаб билан мактаб ўртасида фарқли жиҳатлар борми, — деган саволимизга тарбиячи Мастура Туркманова шундай жавоб берди:

— Ҳар иккала синфда ҳам ўқув жараёни бир хил режа ва дастур асосида амалга оширилади. Мактабда ҳам дарсдан кейин тарбиячи болалар билан машғулот ўтказади. Бунда муҳит жиҳатдан бироз фарқ бор. Боғча-мактабда бола дастлабки билимини боғчанинг ўзида, ҳеч қандай узил-шилсиз давом эттиради. Янада соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, бола онгида боғчага келаяпман, деган ўй-фикр бор. Яна бир афзал томони,

ўзи билан бирга ўсган тенгдошларидан ажралмаган ҳолда машғулот олиб боради. Агар шу болалар мактабга борса, албатта, нотаниш болалар сафига қўшилади. Қолаверса, ҳар қандай мактаб катта жамоа. Истаймизми йўқми, бу муҳит боланинг атрофидагилар билан киришиб кетиши учун маълум фурсат талаб этади. Бизда болалар 4-5 соат дарс ўтгач, албатта, оммавий равишда тушлик қилишади. Бу боланинг жисмонан толиқиб қолишига мутлақо йўл қўймайди. Мактабда эса боланинг тушлик қилиши ихтиёрий. Қолаверса, 1-синфдан мактабга бориш билан 5-синфда боришнинг фарқи бор. Шахсан мен болалар билан кўпроқ ноанъанавий, қизиқарли машғулотлар, ўйинлар ўтказишга эътибор берараман. “Заковат”, “Ўйла, изла, топ”, “Олтин тож”, “7x7”, “Соғломжон-полвонжон” ўйинлари шулар жумласидан. Болаларнинг мустақил фикрлаши, дунёқарашини шакллантиришга ҳаракат қиламан. Масалан, жонли-жонсиз предметлар ҳақида гап борганда, ўқувчиларимиз фақат ҳаракатдаги

нарсаларгина эмас, балки ўсимликлар танасида ҳам ўсиш ва ривожланиш борлиги, улар ҳам жонли нарсалар сирасига киришини фарқлашади.

1-синф ўқувчилари боғчадаги ва 8-мактабдаги спорт, тасвирий фаолият ва қўл меҳнати тўғарақларига мунтазам қатнайдилар. Айниқса, кичкинтойларнинг спорт тўғарақдаги фаоллиги юқори. Чунки спорт чиниқиш ва саломатлик гарови эканлигини улар яхши билишади. Шу боис улар орасидан дастлабки иқтидорли болалар ҳам кўзга ташланиб қолди. Иноятулла Холиқов каратэ бўйича қора белбоғ соҳиби бўлди.

— Боғча-мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган, — дейди мажмуа директори Гулжаҳон Холиқова. — 8-мактаб маъмурияти боғчамизда тез-тез бўлиб, бизга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади, ҳар бир ота-она, маҳалла фаоллари ҳам ўқувчилар, фарзандлари тақдирини, тарбиясига жиддий муносабатда бўлишади.

Мақсадлар муштараклиги, боғча-мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигининг тўғри йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бермоқда. Кичкинтойлар тарбияси ва ўқишида кутилган натижаларга эришилаётганлиги ана шу ҳамкорликнинг мевасидир. Бу ёшлар тарбиясига ҳамма бирдек масъул эканлигини англаувчи ҳақиқатдир.

Абдусаттор СОДИҚОВ



Фарҳоднинг "Қамолот тимсоли" бўлган романтик образини XVI асргача бўлган жаҳон адабиётига қайси шоир олиб кирган?

Машҳур ҳуқуқшунос олим Е.Э.Бертельс Навоийга оид монографиясида шоирнинг "Фарҳод ва Ширин" достони мазмунини ҳикоя қилиб беради ва буни сюжет деб билади. Шунга яқин ҳол ўзбек навоийшуносларнинг ишларида ҳам учрайди; ваҳоланки, сюжет бадиий асар гоёвий мазмунининг сюжет қисмларини бош қаҳрамон образига боғлаган ҳолда таҳлил қилишдир. Чунки сюжет қаҳрамон тарихидир. Гоё эса асосан бош қаҳрамон орқали ифодланади.

Буюк Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони сюжет жиҳатидан биринчи марта махсус текширилади. Достон 54 бобдан иборат бўлиб, олдинги ўн бир ва охириги икки боб сюжетга кирмайди, улар муқаддима (пролог) ва эпилог (хотима) ўрнидадир. Асарда муаллиф образи (ривоятчи) ва ҳар боб охирида лирик чекиниш ҳамда асар бошидан охиригача давом этувчи эпик воқеа мавжуд, демак, бу достон лирик-эпикдир, сюжети ҳам шундай. Сюжет экспозиция (танишув), тугун, воқеа ривож, кульминация (чўққи), ечим каби қисмлардан иборатлиги маълум.

Экспозиция, яъни танишув 12-13- бобларни ўз ичига олади. У бизни Чин (Хитой) хоқони, унинг ўғли Фарҳод ва Фарҳоднинг муаллими — донишманд билан учраштиради. Экспозиция Фарҳодни иқтидорли ёш фарзанд сифатида кўрсатади. Фарҳод ўн ёшигача Қуръони Каримни ёд олади:

**Агар бир қатла  
кўрди ҳар сабақни,  
Яна очмоқ йўқ эрди  
ул варақни...  
Жаҳонда қолмади  
ул етмаган илм,  
Билиб таҳқиқни  
касб этмаган илм.**

Тугун 14-32 — боблардаги воқеаларда содир бўлади. Экспозициядан кейинроқ, ўсмир бўлган Фарҳодда гоёибдан севги пайдо бўлади ва Фарҳодни "заъфарон қиламан" дейди. Аммо бу тугун эмас, чунки Фарҳод кимни севди, уни кўрганми, у ҳам Фарҳодни севадими, деган саволлар ҳали жавобсиздир. Достонда олий туйғунинг кучли эҳтироси, ҳижрон ғами ва ногаҳон алданган севги — мавзудир. Унда бирлашган ижтимоий зулм, зўравонлик, сохта муҳаббат билан мажозий (дунёвий) ишқ ҳақиқий (илоҳий) ишққа айланган кучли ҳаяжонлар ўртасидаги зиддиятни юзага келтиради ва бу конфликт достон сюжетига дастак бўлиб қолади.

Ғамгинлик — Фарҳоднинг муҳим белгиси. Хоқон ўғлини бундан халос этиш учун тўртта қаср қурдиради, Фарҳод қурилишда Монийдан нақшошликни, Бонийдан меъморликни, Қорандан тош йўнишни ўрганади. Аммо Фарҳоднинг ғами қамаймайди, Чин хоқони (ва Моҳинбону) Фарҳодга подшоликни топширмақчи бўлади, Фарҳод эса унамайди. Фарҳод отаси хазинасида Искандар ойнасини кўриб қолади, бу ойна дунёни кўрсатади, маълум бўладики, Юнонга борилса, ойнадаги сир очилади.

Хоқон ва меҳрибон вазир Мулқоро Фарҳодни Юнон мамлакатига олиб боради. Фарҳод Суҳайло ҳақим ғориға бориб, Искандар кўзгусини эгаллаш учун йўлдаги аждаҳони енгиб, Аҳрамон девни ўлдирди, ғордаги ҳақим Фарҳодга "Сен отанг хазинасидаги Искандар ойнаси тақозоси билан бу ерга келдинг,

яна бориб, у ойнани кўришинг керак", дейди.

Фарҳод Чинга қайтгач, Искандар кўзгусида Арман мамлакатини, Ширинни кўриб, севиб қолади. Кўзига дунё қоронғу кўринади. Унинг кўнглини кўтариш учун денгизга саёҳатга олиб чиқишади, бўрон ва тўфон хоқон ва Мулқорони Чинга олиб бориб ташлайди, Фарҳод эса бир парча тахта устида қолиб, Яман савдогарларига дуч келади, Шопур билан танишади, савдо кемасини денгиз қарқчиларидан ҳимоя қилади. Шопур Фарҳодни Ямандан Арманистонга олиб боради, чашмадан қасрга ариқ қазиб, сув келтириш учун ишлаётган халққа дуч келишади. Фарҳод тоғ қазувчиларига ёрдам бера бошлайди. Ширин буни эшитиб, қурилишга етиб келади. Фарҳод ва Ширин бир-бирларини кўриб, севиб қолишади. Бу ўрин тугундир.

Тугундан бу севги оқибати нима бўлади, деган савол келиб чиқади. Тугун орқали Фарҳоднинг кўнгли юмшоқлиги, севги таъсирида савдойи, девонасифат бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Воқеа ривож 33-36-боблар

Фарҳод бу баҳсда ўзининг кўрқмас, мард, доно, босиқ эканлигини намойиш қилади, Хусрав эса ўзининг кўрқоқ, қизикқон, кўпол, бефаҳм эканлигини билдириб қўяди, маънавий енгилади. Фарҳод Салосил қалъасида зиндонга солинади. У Сукротдан махфий илмларни ҳам ўрганган эди. У бир исмни айтса, зиндон эшиклари очилар, у эса ташқарига чиқиб, озод сайр қилиб юрар, яна зиндонга қайтиб келар эди. Нигоҳбанд (соқчи)лар Фарҳодни валий (авлиё) деб ўйлаб, унга хоҳлаган жойингизга кетаверинг, дейишади. Аммо Фарҳод унамайди, мен кетсам, подшо мен учун сизларни жазолайди, дейди.

43-52-боблар — сюжетнинг ечимидир. Хусрав Фарҳодга маккор кампирни ёллаб юборади, кампир Фарҳодга Ширин захар ичиб ўлди деб, ёлгон гапирди, натижада Фарҳод вафот этади. Ширин Фарҳод жасадини олдириб келади. Фарҳод жасади устида жон беради, буни кўрган Арманистон ҳукмдори (Шириннинг холаси) Меҳинбону ҳам оламдан ўтади. Фарҳоднинг амакиваччаси — лашкарбоши Баҳром Хитойдан келиб, Арманистонга янги подшо тайинлай-

## O'qituvchiga yordam

ий қаламига мансуб бўлган Фарҳод образида, аввал ўтган хамсанавислар (Низомий ва Хусрав Дехлавий) яратган Фарҳод образига нисбатан бешта янгилик бор:

1. Аввалги хамсанавислар достонидан иккинчи даражали образ бўлган Фарҳод Навоий томонидан бош қаҳрамонга айлантирилган, достон номи ҳам "Хусрав ва Ширин", "Ширин ва Хусрав" эмас, балки "Фарҳод ва Ширин"дир. 2. Навоий Фарҳодни туғилишидан охириги нафасигача тасвирлади. Натижада хронологияга асосланган сюжет типичи юзага келди. 3. Навоий жангдаги Фарҳодни қиргин солувчи эмас, балки раҳмдил, юмшоқ табиатли ва инсонпарвар киши сифатида кўрсатди. Фарҳоднинг қаҳрамонлиги жанговарлик ва меҳнатда кўринади. Жанговар қаҳрамонлиги аждаҳо ва Аҳрамон девни енгиш, кемадагиларни қарқчилардан сақлаш ва Арманистон Хусравдан ҳимоялаш билан боғлиқ. 4. Фарҳод шоҳ ўғли бўлишига қарамасдан меҳнатни севувчи

сида борса, Навоий яшаган XVI асргача бўлган вақт мобайнида Европадаги улуг ёзувчилар асосан, Гомер, Данте, Петрарка ва Боккаччо эди.

Қадимги давр грек шоири Гомернинг "Илиада" достони қаҳрамони Ахилл баҳодир ва қаҳрамондир, у ўз душманига қиргин солади, рақиб Гектор мурдасини аравага боғлаб, судратади, хўрлайди, ундан ўч олади. Аммо Гомернинг "Одиссея" достонидан Одиссей саргузаштлар ва оила ҳаётида кўрсатилган донишманд ва ақл-заковат эгаси. Фарҳодда бу икки фазилат — қаҳрамонлик ва ақл-заковат ҳамда маърифат жамланди.

"Ренессанс жарчиси" Данте эса "Илоҳий комедия" асарида ҳаётни фантастика, символ, аллегория орқали кўрсатади. Бу сатирик асар дўзах, аъроф (аросат) ва жаннат қисмларидан иборат. Шоир христиан динининг мунофиқ руҳонийларини, шаҳватга берилганларни, зўрловчиларни, ўғрилар ва ватан хоинларини дўзахда кўради. Аърофда ичи қоралик, умидсизлик, мечкайлик, таъмагирлик ва бузғунчиликни қоралайди, жаннатдаги боғларни Италиядаги боғларга таққослаган. Данте демократияга қарши бўлган черковни айблайди. Бу дунёни нарийги дунё тасвири орқали кўрсатади, мансабфурушлик ва жаҳолатни фош қилади.

Петрарка, Боккаччо Уйғониш даврининг реалистик йўналишига асос солди.

Кўриниб турибдики, Навоий яшаган XVI асргача бўлган даврдаги Европа уйғониши намояндалари бўлган шоир ва ёзувчилар жаҳон адабиётида реалистик ва романтик йўлдан борганлар.

"Қамолот тимсоли" бўлган бош қаҳрамон Фарҳод образини XV асрдаги жаҳон адабиёти тарихига Низомий ва Хусрав Дехлавий эмас, балки Навоий олиб кирган. Бу даврда Европада Навоийчалик баракали ижод қилган шоир (носир ва олим) йўқ даражада эди. Навоий Ренессанс даврининг комусий хусусиятли комил инсон образини яратди. Унда мажозий (дунёвий) ва ҳақиқий (илоҳий) севги инсонни поклайди, унга ғайритабиий куч беради, уни улуглайди, юксакка кўтаради, деган эстетик идеал (орзу) асос қилиб олинди. Жаҳон Ренессансида романтик, реалистик йўналишлар бўлган, Навоий романтик йўналиш асосчиларидан биридир. (Н.И.Конрад. Запад и Восток. М. 1972, 280-281-бетлар).

Шарқ ва дастлаб Италияда (XIV асрда) келиб чиққан Европа Уйғониши (Ренессанси) инсонда буюк куч мужассам, уни уйғотиш керак, деган гуманистик хулосага келган эди. Шунга яқин фикр "Фарҳод ва Ширин" достони сюжети ҳам, Фарҳоднинг идеал образига ҳам сингдирилган.

"Хамса" Навоий ижодининг гултожи бўлса, унга кирган "Фарҳод ва Ширин" "Хамса"нинг гултожидир. Навоийнинг "Хазойин ул-маоний" номли тўрт томлик лирикаси эса ўзбек адабиётида 560 йилдан буён бирон шоир заёт этолмаётган баланд чўққи ва у жаҳон адабиёти дурдоналаридан биридир.

**Умнат ТҒИЧИЕВ,**  
филология фанлари доктори,  
ЎзР ФА Алишер Навоий  
номидаги тил ва адабиёт  
институтининг етакчи  
илмий ходими, меҳнат  
фахрийси

# АГАР БИР ҚАТЛА КЎРДИ ҲАР САБАҚНИ...

## "Фарҳод ва Ширин" достонидан сюжет қисмлари ва Фарҳод образи

ни қамраб олади. Фарҳод қаср қуриб, олдида "Баҳрун нажот" ховузини юзага келтиради. Унга Фарҳод қазиган "Наҳрул ҳаёт" ариғидан сув кела бошлайди. Фарҳод воқеа ривожига мислсиз меҳнат жасоратини кўрсатади. Шу сабабли Навоий бу достонни "Меҳнатнома" деб ҳам атайди. Чунки ҳар қандай жамиятнинг пойдеворини меҳнат ташкил қилади.

37-42-боблар кульминация (чўққи)дир, араб ва Эрон шоҳи Хусрав Парвез Ширинга совчи юборади. Ширин Хусрав юборган одам(совчи)ларга мен турмуш қурмоқчи эмасман,

**Манга не ёру не  
ошиқ ҳавасдур,  
Агар мен одам ўлсам  
ушбу басдур,**

деб жавоб қилади. Хусрав бундан ғазабланиб, қўшин тортиб келади. Арманистон кўрғонини қамал қилади. Фарҳод мардлик ва мерганлик намунасини кўрсатади.

Навоий Фарҳод Хусрав билан олишувда асли безарар, беозор одамлигини таъкидлайди:

**Йўқ эрса йўқ эди,  
мумкинки ул зод,  
Тегургай пашшанинг  
парриға озор.**

Хусрав юборган ҳийлагар киши Фарҳодга дори сепилган гулни ҳидлатиб, уни беҳуш қилади ва Хусравга келтиради. Хусрав ва Фарҳод ўртасида савол-жавоб (бахс) бўлиб ўтади:

**Деди: Кайдинсен, эй  
мажнунни гумрах?**

**Деди: Мажнун ватандин  
қайда огах.**

**Деди: Недур сенга  
оламда пешар?**

**Деди: Ишқ ичра  
мажнунлик ҳамиша.**

ди, Шеруя товон тўлайди.

Улуғ шоир ечимда Хусрав тўғрисида шундай киноя қилади:

**Бировгаким,  
бировдин етти офот,  
Ҳамониким  
қатигроқдур мукофот...  
Ситамдин бас илиқни  
чекмак авло,  
Вафоу меҳ тухмин  
экмак вало,  
Чу мазра ичра сочинг  
ҳар не дона,  
Ҳамул дона, кўтаргунг  
жовидона.**

Ечимдан аён бўладики, Фарҳод ва Шириннинг мажозий (дунёвий) ишқи ҳақиқий (илоҳий) ишққа айланади. Навоий Фарҳод ва Ширин севгиси ечими тўғрисида шундай хулоса қилади:

**Ўтар дам ўйла  
фоний бўлди мутлак,  
Ким, ул ишқини  
боқий айлади ҳақ,  
Вужудин ўртаб ул  
сўзу гудози,  
Ҳақиқатқа бадал  
бўлди мажози.  
Тутуб соқийи ваҳдат  
жоми тавфиқ,  
Насиби айлади ҳақ  
роҳи таҳқиқ.  
Бақо шахрида  
султонлиққа етти,  
Ҳақиқат мулкида  
хонлиққа етти.**

Тож эгасига чинакам ишқ бегонадир. Чунки шоҳлар кўпинча кўп никоҳли (кўп хотинлиликка асосланган) оила типига мансуб бўладилар. Золим Хусрав ва унинг ўғли Шеруяни ҳаёт жазолайди. Халқ золим Хусравни тутиб олиб, зиндонга қамайди.

Е.Э.Бертельс фикрича, Наво-

сифатида талқин қилинган. 5. Унда салбий белги йўқ.

Филология фанлари доктори Содир Эркинов эса Навоий яратган Фарҳод образига куйидаги янгиликларни кўради: 1. Навоий бу соҳада ўз салафларига танқидий қараган ва "Фарҳод ва Ширин" достонини анъана ва янгилик муаммоси асосида ёзган. 2. Навоий ўз салафлари асаридаги кўп хотинли, сохта ошиқ, бош қаҳрамон Хусравни салбий образга айлантирди. 3. Салафлар асаридаги сут оқадиган ариқ Навоий достонидан сув оқадиган ариққа айлантирилди, бу ҳол маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқди. 4. Фарҳод эл, юрт, улусга суянади, халққа зулм, зарар қилишни истамайди, салафлар яратган Хусрав образи худбиндир. 5. Фарҳод севгиси салафлар Хусрави севгисига нисбатан ҳақиқий, изчил ва ўзаро вафо ҳамда садоқатга таянади. 6. Салафларнинг асарида Ширин Хусравни қайта тарбиялашга уринади, Навоий асарида Фарҳодни қайта тарбиялашга эҳтиёж йўқ, у бутун улғуворлиги билан гавдаланади. 7. Фарҳод ва Шопур дўстлиги халқ оғзаки ижодидан олинган. 8. Фарҳод билан Хусрав ўртасидаги маънавий кураш салафлар асарида йўқ.

Эронлик Шопур, шарқий туркистонлик Фарҳод, арменистонлик Ширин, юнонистонлик Сукрот образлари орқали турли халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлиги гоёси илгари сурилган.

Фарҳод образи анъана яратди. Буни тожик, уйғур, озарбойжон, турк адабиётларида кўриш мумкин.

Агар гап ёзма адабиёт тўғри-



# ЎТГАН АСРДАН БОШЛАНГАН ШАЖАРА

Қайси даврга мансуб бўлмасин, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир юртнинг фахри ва ифтихори унинг жаҳон илму фани ва маданияти раҳнақига ҳисса қўшган аҳли до-нишлари, олим-фозиллари билан ўлчанади ва қадрланади. Юртимизда бугунги авлод фахрланадиган алломалар кўп ўтган. Узоққа эмас, яқин ўтмишга назар солсак, улар миллатни маърифатли қилиш йўлида жон фидо қилганликларига гувоҳ бўламиз.

1916 йилда алломалар юрти бўлмиш Сайрамда таваллуд топган Абдуғофур домланинг отаси Холмат ота ҳам ўз замонасининг етук зиёлиси ҳисобланган. У Бухорои Шариф мадрасаларида таҳсил олиб, кейинчалик ўз уйида мактаб очган ва камбағал-деҳқон болаларига хат-савод ўргатган. "Мулла Холмат" номи билан машҳур бўлган бу мактаб 20-30-йилларда Сайрамда катта обрў қозонган.

"Ҳадиси Қудсий"да: "Эй одам боласи, сен то тўрт ўлимни татиб кўрмагунингча, Оллоҳ учун холис бирон бир амал қила олмайсан. Биринчиси — кизил ўлим. Яъни жоҳилдан ва рўзгордан етиб турадиган жафоларни кўтара билиш, даф қилиш. Иккинчиси — оқ ўлим. Яъни тилни турли ёмон сўзлардан сақлаш. Учинчиси — қора ўлим. Яъни нафс — ҳавога қарши тинимсиз ҳаракатда бўлиш. Тўртинчиси — сариқ ўлим. Яъни ҳар бир нарса ва воқеалардан ибрат олиш. Бу хислатларга эга бўлишлик, машаққатли эканлигидан улар ўлимга ўхшатилди", дейилган.

Абдуғофур Холматов ҳаёти мисолида ана шу хислатлар мужассамлашиб борди. Чунки ота-онадан эрта етим қолган, қолаверса, 20-30-йиллардаги қаҳатчиликларни кўрган, бориға сабр-қаноат қилиб, умр бўйи маърифат изла-



ган. У кишининг меҳнат фаолияти 1936 йилда Сайрамдаги мактабда бошланди. Кейинчалик шу мактабнинг илмий бўлим мудири, директори лавозимларида фаолият кўрсатди.

Абдуғофур Холматов 50-йилларда Санкт-Петербург педагогика институтининг аспирантурасида таҳсил олди. Жуда қисқа муддат ичида "Мактаб директорининг ўқитувчилар ишлари устидан назорати ва раҳбарлиги" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Илмий даражага эга бўлган олим ҳукумат йўлланмаси билан 1954 йилда Бухоро педагогика институтига катта ўқитувчи қилиб ишга юборилди. Олимнинг кейинги фаолияти педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг ҳамда ҳозирги Тошкент давлат аграр университети билан боғланиб кетди.


Марҳум олимнинг "Мактаб ва оила" рисола-си жиддий қўлланма бўлиб, болани тарбиялашда мактаб ва оила қандай ҳамкорлик қилиши зарурлиги тўғрисидаги тавсиялар билан тўла.

Абдуғофур Холматов оиласида бугунги кунга келиб педагоглар сулоласи таркиб топганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Юқорида айтиб ўтганимиздек, шажаранинг бошланиши "Мулла Холмат" мактабига бориб тақалади. Абдуғофур Холматовдан фарзандлари Абдуқодир, Манзура, Холида, Фотима, Захро, Шахло, Абдурахимбой ва Шоираларга бу касбни ота-боболари дуоси ила Яратганининг ўзи юқтирди. Улар бугунги кунда турли таълим даргоҳларида меҳнат қилишяпти.

**Матлуба ТИЛАВОЛДИЕВА,**  
Низомий номидаги ТДПУ "Фалсафа"  
кафедраси катта ўқитувчиси

## Xotira

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ таълими аълочиси Ражаббой Хусаинов 1925 йилда Хива шаҳар Калта минор маҳалласида этикдўз оиласида дунёга келди. 15 ёшида мактабни тугатиб, Хива педагогика билим юртига ўқишга кирди. Иш фаолиятини 1947 йилда бошлаган ёш муаллим фронтга кетган катталар ўрнида кечани кеча, кундуз-ни кундуз демасдан ёзининг иссиғию кишининг совуқларига бардош бериб, меҳнат қилди. Талабалик даврида катта ёшдаги ишчиларга савод ўргатиш билан ҳам шуғулланди. 1957



## 62 йил ишлаб мураббий

йилдан 1975 йилгача мактабдан ташқари таълим муассасасига раҳбарлик қилиб келган устоз болаларнинг сеvimли етакчиси сифатида танилади. Шундан кейин 25 йил давомида 3-болалар уйига, шаҳар ёш техниклар ижодиёт марказига директорлик қилди. 1985 йил алоҳида хизматларини ҳисобга олиб, шахсий нафақа белгиланишига қарамасдан, яна 16 йил халқ таълими тизимида ҳалол меҳнат қилди. Ражаббой Хусаинов 77 ёшнинг деярли 62 йилини болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ишига сарфлаган фидойи мураббийдир.

У Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб мактабдан ташқари муассасалар директорлари ичида 1962 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвони, Халқ таълими аълочиси нишонларига сазовор бўлган. Р.Хусаинов иш фаолияти давомида "Кимки ҳамиша ёш бўлиб юришни орзу қилса, доимо болалар билан ишласин" деган шиор билан яшади.

Ражаббой отанинг турмуш ўртоғи Бекпошша она ҳам кўп йиллар муаллимлик қилган фидойи инсондир. Фарзандлари Ойбиби — боғча мудараси, халқ таълими аълочиси, Шарофат — болаларнинг "милиция опаси", яъни милиция подполковниги. Ўғиллари Эркинбой, Эргашбой, Йўлдошбойлар ҳам олий маълумотли мутахассислардир.

**Мадрим ОТАЖОНОВ,**  
Хива туман халқ таълими бўлими мудири

Тошкент вилоят давлат педагогика институтида 1969 йилдан буён фаолият кўрсатаётган Омонхўжа Улуғхўжаев 1944 йил 12 июлда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, билимга чанқоқ Омонхўжа ТошДУ(ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг механика-математика факультетига ўқишга кирди. 1969 йилда мазкур олийгоҳни муваффақиятли тугатиб, ТВДПИда ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Ўттиз беш йилдири, шу даргоҳда сидқидилдан ишлаб келмоқда.

## Fanimiz fidoyilari

олди. Изланишлари натижасида Москва давлат педагогика университетида "Педагогика институтларида математик таҳлил курсини ўқитишнинг амалий йўналишини кучайтириш" мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Олимнинг илмий изланишлари маҳсули сифатида 10 га яқин ўқув-услубий

## ҚАЛБДАН ИЛҲОМ ЖОЙ ОЛГАНДА

Раҳбар ва педагог сифатида шаклланган О.Улуғхўжаев жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб, 1971—1981 йиллар институт бирлашган касаба уюшмаси раиси, 1992—1997 йиллар ўқув-услубий, кенгаш раиси вазифаларида ишлаб, обрў-эътибор қозонди.

У юртимизнинг жаҳон тан олган йирик математик олимлари Т.Саримсоқов, Ш.Алимов, С.Сирождидинов ва Б.Гнеденкодан кўп ўрганди ҳамда педагог-методистлар В.Монахов, Ж.Икромов, Н.Ғайбуллаев билан бевосита алоқада бўлиб, ўзини қизиқтирган кўпгина масалаларга жавоблар топди, сабоқ

қўлланмалари, 60 дан ортиқ илмий мақола ва тавсиялари чоп этилган.

О.Улуғхўжаев бугунги кунда ҳам шогирдларига математика фанини ўқитиш муаммоларига оид энг керакли усул ва услубларни ўргатиш билан бирга миллий дастури-мизни амалга оширишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Камтарин инсон, жонкуяр мураббий, шоиртабиат педагог Омонхўжа Улуғхўжаев олтимиш ёшга қораласа ҳам қалби доим инсоний фазилатлар, эзгулик, нафосат ва Ватанни севиш туйғуси билан лиммолим. Бу ҳис-ҳаяжонлари гаеталарда чоп этилаётган шеърларида ҳам ўз ифодасини топган.

**Г.НИЁЗОВ,**  
ТВДПИ доценти,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган ёшлар мураббийси

## УНИ ХОРИЖДА ҲАМ ЯХШИ БИЛИШАДИ

Термиз давлат университети профессори, кимё фанлари доктори Рашид Кулматов илм-фанни жуда қадрлайдиган, уни ҳаётининг мазмуни сифатида ҳис қиладиган инсон. У киши ҳозирги куннинг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири, "Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш" масаласида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси табиати

муҳофаза қилиш дастурини ишлаб чиқишда фаол қатнашган олим дастурнинг илм-фан ва техника ютуқларини, экологик муаммоларини ҳал қилишга бағишланган бўлимларини ёзиб берган. Шогирдлари билан биргаликда БМТнинг ЮНЕСКО бўлими дастурлари асосида Тошкент, Олмалик, Ангрэн, Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари атмосфера ҳавосининг заҳарли моддалар билан ифлосланиш қонуниятларини биринчи бўлиб ўрганиб чиқди ва мутасадди ташкилотларга тавсиялар берди. Кўриқхоналардаги ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофазаси жараёнида юзага келаётган муаммоларни ўрганишга киришиб, Зомин, Чотқол, Сурхон кўриқхоналари табиий муҳити, флора ва фаунаси экологиясини ўрганди. Ҳозирда олим Амударё, Сирдарё, Сурхондарё, Зарафшон дарёларининг ант-

ропеген омиллар таъсирида ифлосланиш қонуниятларини атрофлича тадқиқ қилмоқда. Ушбу тадқиқотларга АҚШ, Япония, Швеция, австралиялик мутахассислар катта қизиқиш билдиришиб, ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Экологик муаммоларнинг ечими жуда катта маблағларни талаб этади. Олимнинг фикрича, ушбу

## Oramizdagi odamlar

муаммоларга хорижий фондлар, донор ташкилотлари грантларини жалб қилиш муҳим масала.

Домланинг 150 дан ортиқ ишлари илмий журналларда чоп этилган. Муҳими шундаки, у киши кўпгина хорижий мамлакатлардаги илмий-амалий конференцияларда маърузалари билан иштирок этди. Хусусан, Эрон, Хитой, Венгрия, АҚШ, Малайзия, Сингапур, Швеция, Австралия, Германия ва АҚШ каби мамлакатларда ҳам экологик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ маърузалари тингланган. Бугунги кунда амалга оширилаётган илмий ишларга доимо бош-қош бўлиб, университетнинг нуфузини ошириш йўлида бор илмий салоҳиятини сарфламоқда. Ўз илмининг етук мутахассиси сифатида "Заҳарли моддаларнинг Орол денгизи ҳавзаси ва дарёларида тарқалиши ва миграция қонуниятлари", "Деҳқончи-

лик кимёсидан қўлланма" сингари учта илмий монография ҳам чоп этилган. Нью-Йоркда нашр қилинган "Дарё сувлари мониторинги ва муҳофазаси" илмий тўпламининг бир боби Р.Кулматов томонидан инглиз тилида ёзилганлиги яна бир улкан ютуқ эди. Профессор ўз шогирдларига доимо илмий маслаҳатлар бериб келади.

Домланинг бевосита раҳбарлигида 10 нафар фан номзоди етишиб чиқди. У киши илм йўлида янада гайрат билан меҳнат қилиб келяптилар. Халқаро ташкилотлар билан доимий равишда алоқаларни мустаҳкамламоқда. Бунинг натижасида кўплаб хорижий мамлакатларнинг грант совриндори бўлган. Ҳозирда Европа Иттифоқининг ТЕМПУС дастури лойиҳасига сазовор бўлиб, Германиянинг Дрезден техника институти билан ҳамкорликда Термиз давлат университети халқаро алоқалар бўлимини ташкил қилиш ва ривожлантириш ишларини бошлаш арафасида. Илмий инсон доимо эл назарида ва ардоғида бўлади. Чунки илмий киши ўзидаги илм сирларини инсонга, халқига бахшида этиб келади. Рашид ака ўз илмини ана шундай яхши ишларга, она юртимиз раҳнақига сафарбар этиб келаётган инсонлардан биридир.

**Рўзикул НОРМУРОДОВ,**  
филология фанлари  
номзоди



So'rov

Вақт — бу абдий ҳаракатдаги ҳодиса. Уни ҳар қанча тўхтатиб қоламан десак-да, бунинг уддасидан чиқиб бўлмайди. Вақтнинг мазмунли ўтиши, ҳар бир дақиқанинг маъно-моҳияти ҳақида қайғуриш инсонларнинг яшаш тарзи янада қизиқарли бўлишига, турмушдаги муаммолар ечимининг янада осонлашишига олиб келиши, шубҳасиз.

Кишиларнинг, хусусан, ёшларнинг бўш вақтларини самарали ташкил қилиш, уларнинг ўқишдан, шунингдек, ҳаётий-зарурий вақтдан ташқари бўлган пайтларининг унумли, сермазун ўтишига эришиш ҳар бир давлат ва жамият ривожланишига асос бўлади. Бунинг учун ҳар бир инсоннинг кундалик, ҳафталик, ойлик ва йиллик режаларини тузиши етарли деб бўлмай-

давлат маданият институтининг бир гуруҳ талабалари томонидан ўтказилиб, ундан кўзланган асосий мақсад бугунги кун ёшларининг маънавий қиёфаси ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш, ўқувчи-ёшларнинг муаммолари, қизиқишлари, маънавий эҳтиёжларини ўрганишдан иборат эди. Ушбу тадқиқот объекти сифатида шахримиздаги мактаб ўқувчиларидан ақлий қобилияти, ўқиш рейтингини жиҳатидан сараланмаган ҳолда барчаси 9-синф бўлган 50 та ўқувчи олинди ва анкета сўрови усулида тадқиқот ўтказилди. Бу тадқиқот натижаларидан мақоламиз мавзусига тааллуқли бўлган анкетадаги баъзи савол-жавобларнинг кўрсаткичларини келтириб ўтамиз. «Бўш вақтингизни қандай ташкил қиласиз, нималар билан шугулланасиз?» деган сўровга 53 фоиз ўқувчи замонавий кинолар, сериаллар кўриш, мусиқа эшитиш,

# ЁШЛАР БЎШ ВАҚТИНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗМОҚДА?

ди. Кишилар бўш вақтларининг унумли тарзда ташкил этилишига муайян фан ва соҳа вакилларининг олиб борадиган илмий, амалий тадқиқотлари ҳам зарур бўлади. Биз бу ўринда, айниқса, адабиёт, маданият, санъат, спорт каби соҳалар ҳамда юртимизда эндигина шаклланиб бораётган «Маданият социологияси», «Бўш вақт социологияси» каби фанларнинг аҳамиятига кўпроқ урғу бериш кераклигини таъкидламоқчимиз. Бу фан ва соҳаларнинг ўзича ва шу билан бирга ўзаро фаолияти жамиятимиз аҳолисининг аксарият қисмида бўш вақтнинг тўғри ташкил этилишига олиб келади. Чунки «Маданият социологияси», «Бўш вақт социологияси» каби фан оламида яқиндан ривож топаётган фанларнинг жамият соҳалари, ижтимоий гуруҳлар орасида олиб борадиган илмий-амалий тадқиқ ва таҳлиллари юқорида кўрсатиб ўтилган соҳаларнинг халқимиз орасида яна ҳам кенг ёйилишига, уларни ёшларимизнинг ҳозирги замон тили билан айтганда «хобби»-сига айланиб боришига, оқибатда ижтимоий ҳаётимизда ёшлар орасида бекорчилик, ишсизлик натижасида илдиз отадиган бузғунчилик, жиноятчилик, ичкиликбозлик, наркомания каби иллатларнинг кескин камайишига олиб келиши тўғри йўл эканлигини англаш мумкин.

Шу ўринда масалани янада ойдинлаштириш мақсадида яқинда Тошкент шаҳридаги айрим мактабларда ўтказилган тор доирадаги социологик тадқиқот иши ҳамда унинг натижалари хусусида ҳам бироз тўхталиб ўтсак. «Таълим тизими ва унинг маънавият билан ўзаро алоқадорлиги» мавзусидаги мақсуд тадқиқот А.Қодирий номидаги Тошкент

компьютер ўйинларини ўйнаш, ҳозирги кундаги оммабоп газета-журналларни ўқиш (бу ерда олди-қочди нарсалар билан тўлдирилган, савия жиҳатидан бирмунча паст бўлган газета ва журналлар назарда тутилди) ва бошқа шу каби маънавий фойдасидан зарари кўпроқ бўлган ишлар билан банд бўлишларини ёзишган. Қолган 47 фоиз ўқувчи эса бўш вақтларида хорижий тил, компьютер ёки хунар ўрганишларини, спорт билан шугулланишларини айтиб ўтишган.

Шунингдек, «Сиз ўқиган охириги бадий китобнинг номи нима?» деган сўровга 51 фоиз ўқувчи шу вақтгача ҳеч қандай бадий китоб ўқимагани, китоб ўқишга умуман қизиқиши йўқлигини ёзган. Қолган 49 фоиз ўқувчилар эса берган жавобларига ўқиган китоблар асосан ўзбек адиблари қаламига мансуб эканлигини, чет эл адабиётини деярли ўқимаслиқларини маълум қилишган.

Ушбу кичик социологик сўров натижаларидан ҳам кўриниб турибдики, ўқувчилар орасида бўш вақтнинг ташкил қилиниши муаммолари ҳали етарли даражада ўрганилиб чиқилгани йўқ. Ҳолбуки, «Қачонки бўш вақт билим олиш, ўз идрокини ривожлантириш, ижтимоий вазифаларни бажариш, жисмоний ва ақлий кучлардан эркин суръатда фойдаланиш учун сарфлансагина, у ҳақиқий ижтимоий бойликка айланади».

Инсон учун энг катта, энг асосий бойлик иш вақти эмас, балки бўш вақтдир... Бўш вақт ҳар қандай жамиятда халқнинг билим ва дам олишига, умумий маданиятини оширишига, жисмоний камол топишига хизмат қилади.

**Нилуфар МАНСУРОВА, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти «Ижтимоий-маданий фаолият» факультети III курс талабаси**

# КУТУБХОНАЛАР ТУБДАН ЎЗГАРАДИ, УЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАМ

Бугун умумий ўрта таълим муассасаларида ёш авлодни вояга етказишда мактабдаги дарс машғулоти, факультатив машғулоти ва синфдан ташқари ишлар қаторида мактаб кутубхоналарининг ўзига яраша ўрни бор.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, дастлабки илмий-бадний ўқув методик адабиётларга миллий ғоя ва истиқлол мафкураси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиб, ҳолис баҳо берилди. Мустақиллик мафкурасига зид адабиётлар истеъмолдан чиқарилди. Пировардида, умумтаълим

мактаблари кутубхоналари фонди маълум даражада камайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг эътибори туфайли, кейинги йилларда бу маънавий бўшлиқни тўлдириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, таълим муассасалари кутубхона захирасини тўлдириш ва янада бойитиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳамда жойлардаги таълимнинг бошқарув идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, турли нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда мактаб кутубхонаси фаолиятида кутубхоначи олдида учта асосий йўналиш (ўқитувчи ва ўқувчиларга илмий адабий, бадний ва услубий ёрдам кўрсатиш; синф кутубхоналарига умумий услубий раҳбарлик қилиш; ўқувчилар ўртасида китобхонликни тарғиб ва ташвиқ этиш ҳамда мактаб миқёсида таълимий-тарбиявий ишларни амалга ошириш) бўйича иш олиб бориш вазифаси туради. Ҳозирги давр талаби мактаб кутубхонасидан нафақат кутубхоначи, балки «педагог — кутубхоначи» сифатида иш олиб боришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони туфайли мактаб кутубхоналари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, кутубхона китоб захираларини кўпайтириш, уни дарсликлар, вақтли матбуот нашрлари, бадний асарлар билан тўлароқ таъминлаш, шунингдек, кутубхоначиларни моддий рағбатлантиришга эътибор кучайтирилиши айти мудиридир. Бу фармон ижросининг қай даражада бажарилиши эса, ҳар бир педагог-мутоҳассисга ҳам боғлиқ.

**Дилбар САИДОВА,**  
РТМ етакчи методисти



## Сўзларни ажратиб ёзиш қоидалари

Маълумки, тилимизда таркиби икки ёки ундан ортик сўзлардан ташкил топган қўшма сўзлар, сўз бирикмалари, мураккаб компонентли луғавий ва синтактик бирикмалар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари қўшиб ёзилса, баъзиларининг қисмлари ажратиб ёзилади. Қуйида қисмлари ажратиб ёзиладиган тил бирикмалари хусусида мулоҳаза юритамиз.

**Қўшма сўзлар икки ёки уч ўзақдан ҳосил бўлади:**  
**Yeryong' oq, muzyorag, To'ytepa, Kattaqo'rg'on, sholipoya, gultojxo'roz, oshqozon, ertapishar, bodomqovoq, o'n yetti, bir nafas, javob bermoq, sotib olmoq.** Мисоллардан кўриниб турибдики, қўшма сўзларнинг айримлари ажратиб, айримларининг қисмлари қўшиб ёзилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»га кўра қуйидаги ҳолатларда қўшма сўзлар ажратилиб ёзилади:

Биринчи қисми сифат, иккинчи қисми атоқли отдан тузилган қўшма отлар: **O'rta Chirchiq, Markaziy Osiyo, Janubiy Amerika, Ko'hna Urganch** ва ҳ.к. Лекин таркиби икки сўздан иборат атоқли отларнинг ҳаммаси ҳам ажратиб ёзилавермайди:

**Buloqboshi, Kattaqo'rg'on, Moybuloq, Yangiyo'l, To'ytepa.** Бундай қўшма отларнинг иккинчи қисми турдош отлардан иборат бўлиб, улар ажратиб ёзилса, луғавий бириклик йўқолади ва бир синтактик бирикка айланади, яъни

## Yangi alifboni o'rganamiz

ди ва ҳар иккала қисми ажратиб ёзилади. Бундан ташқари, тўлиқсиз феъл мустақил феълдан ажратиб ёзилади: **borgan edi, kelgan ekan, ketgan emish, borgan ekan** каби. Бироқ мустақил феъл билан ёрдамчи феъл орасида товush ўзгариши бўлса, бундай сўзларнинг қисмлари қўшиб ёзилади: **aytaver, boroladi, bilarkan** ва б.

**Қўшма равишларнинг қуйидаги турлари ажратиб ёзилади:**

1. Таркибида **u, bu, shu** олмошлари бўлган пайт ва ўрин маъносини билдирувчи равишлар: **u yoqda, bu yoqqa, shu yoqqa, u yerga, bu yerga, shu yerga, shu yerdan, u vaqtda, shu onda.**

2. Таркибида **har, hech, hamma, bir** сўзлари бўлган равишлар: **har vaqt, har zamon, har qachon, hech qachon, hech qayerda, hamma vaqt, bir nafas, bir talay, bir yo'la, bir zumda** ва ҳ.к.

Таркибида **alla, qay** сўзлари бўлган равишлар эса қўшиб ёзилади: **allaqachon, allaqayerda, qayvaqt, allaqayerdan.** Бироқ **birpas, biroq, birato'la, birvakayiga, birmuncha** каби қўшма сўз қисмлари ҳам қўшиб ёзилади.

Сўз бирикмаларининг қисмлари ҳам ажратиб ёзилади: а) мослашув асосида юзага келган сўз бирикмалари: **maktabning bog'i, institut talabasi, tog' havosi, uning ukasi, bizning uy;**

# АЛИФБО САБОҚЛАРИ

## 6-сабоқ

қўшма сўз эмас, балки сўз бирикмаси юзага келади. Фикримизни қиёсий мисоллар билан далилласак, масала ойдинлашди: **Yangiyo'l** (шаҳар ёки туман номи), **Yangi yo'l orqali** (эски йўл билан эмас) **qishloqqa chiqib oldik.** **Buloqboshi**, (туман номи, луғавий бириклик), **Bulog boshida odamlar gavjum** (Бу ўринда мослашув асосида сўз бирикмаси ҳосил бўлди).

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кирилл ёзуви асосидаги имло қоидаларига мувофиқ таркиби ажратиб ёзилган қўшма отларнинг баъзилари лотин ёзувида асосланган имло қоидаларига кўра қўшиб ёзилиши маълум қўрилди. Масалан, **muzyorag** (кириллда: муз ёрар), **yeryong'oq** (кириллда: ер ёнғоқ) ва б.

Сифат олдида келиб, белгининг даражасини билдирадиган қисмлар ажратиб ёзилади:

**Tim qora, juda yaxshi, eng katta, to'q qizil, liq to'la** каби. Белгининг ортиқлигини билдирувчи **ko'pdan kor, tekindan tekin, ochiqdan ochiq, yangidan yangi** каби бирикмалар ҳам ажратиб ёзилади.

Мураккаб сон қисмлари ажратиб ёзилади: **O'n besh, bir ming to'qqiz yuz ellik yettinchi yil; yetmish yetti** каби.

Қўшма феълнинг қисмлари ажратиб ёзилади, улар қуйидагича ҳосил қилинади:

1. Феъл бўлмаган сўз билан феълнинг бирикишидан: **imzo chekmoq, himoya qilmoq, yordam bermoq, taklif qilmoq, dam olmoq.**

2. Икки феълнинг бирикишидан: **sotib olmoq, olib kelmoq, olib chiqmoq.** Икки феълнинг бирикишидан ҳосил бўлган феъллар жуда кам. Лекин нутқда **olib chiqdi, aytib berdi, yig'lab yubordi, eslab ko'rdi, kulib yubordi, ko'rib qoldi** каби икки компонентли феъллар тез-тез қўлланади. Шундай бўлса ҳам, улар биргаликда янги бир луғавий маънони билдирмайди. Шу сабабдан бундай тузилган феъллар қўшма феъллар ҳисобланмайди. Булар тилшуносликда кўмакчи феълли сўз қўшилмаси термини билан юритила-

б) бошқарув асосида юзага келган сўз бирикмалари: **kitobni o'qimoq, suvni ichmoq, qalam bilan yozmoq, radio orqali eshitmoq;**

в) битишув асосида юзага келган сўз бирикмалари: **aqli bola, chiroyli qiz, qiziq kitob, tantanali kecha** каби.

Изофали бирикмаларнинг қисмлари ҳам (изофа — форс, араб ва бошқа баъзи шарқ тилларида аниқловчи ва аниқланмиш муносабатини ифодаловчи воситалардан бири. Бу кўринишдаги бирикмалар ўзбек тилига форс тилидан ўзлашган) ажратиб ёзилади. Бунда изофа ундош товush билан тузган сўзларга **i** шаклида, унли билан тузган сўзларга **ui** шаклида қўшилади: **dardi bedavo, nuqtayi nazar, tarjimaiy hol, adoyi tamom, aksi sado, amri mahol, arshi a'lo, bahri dil, baloyi nafs, bazmi jamshid** каби.

Хурматли муштарийлар, бу сабогимизни яхшилаб ўрганиб олинг. Зеро, имло — саводхонлик асоси. Шу боис бу сабогимизга билимингизни синаш мақсадида мақсуд мавзу юзасидан кирилл ёзувида машқ илова қилмоқчимиз. Сиз эса имло қоидаларига риоя қилган ҳолда янги алифбога ўғиринг!

Олтин (қўл), Ашур (али), пой (абзал), Катта (қўрғон), янги (йўл), муз (ёрар), ер (ёнғоқ), Марказий (Осиё), Мой (булоқ), Салим (ака), Убайдулла (тоға), мактаб (боғи), Янги (йўл), ўрин (босар), тинчлик (севар), бир (пас), Бек (обод), қайин (ота), ош (қозон), нуқтаи (назар), оқ (соқол), Косон (сой), мирза (терак), Беш (арик), оқ (олтин), Кўҳна (Урганч), раъно (гул), кўз (ойнак), Карим (берди), Юнус (обод), Эсон (али), Пахта (обод), сўз (боши).

Агар сизда янги алифбо юзасидан саволлар, баъзи бир тушунмовчиликлар юзага келган бўлса, тахририятга ёзиб юборинг. Уларга имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

**Собиржон УСМОНОВ,**  
Тошкент давлат юридик институти доценти



— Дилшод ака, ўзингизга маълумки, ҳозирги телетомошабин кечагидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Бу табиий, албатта. Яъни, бугунги томошабиннинг билими, диди, савияси, тарбияси дунёда бўлаётган ўзгаришларга бепарқ эмас. Унга таъсир этувчи воситаларнинг аҳамияти нечоғлигини яхши биласиз. Ана шу воситаларнинг ичида телевидениени ўрни жуда катта. Одам вақт топиб китоб ўқимаслиги, газета ёки журнал-варақламаслиги мумкин, лекин, албатта, телевизор кўради, шундай эмасми? Демак, у ўзига керакли ахборотни телевизор орқали олади. Шу жиҳатдан телевидение ўзининг асосий вазифасини бажараяпти. Шу билан бирга ойнаи жаҳон уй кинотеатри ҳамдир. Унда турли видеофильм, бадий фильмлар, сериаллар на-

ди. Мисол учун, мана ҳинд фильмлари каталоги, Би-би-си бадий фильмлари каталоги бор. Шуларнинг ичидан кўпроқ миллий менталитетимизга мосини олишга ҳаракат қиламиз. Фильмларни танлаётганда айнаи чоғда, томошабини имкон қадар ўзига тортадиган бўлиши ҳам эътиборга олинади.

— Инсон табиати мураккаб. Сохталик, ёлгон билан унча чиқишавермайди ва бир пайтнинг ўзиде уларга мойил ҳамдир. Ўзи биллиб-билмаган, хохлаб-хохламаган ҳолда сохта гоё ёки воқелик таъсирига тушиб қолади. Гап нима ҳақида кетаётганини илган бўлсангиз керак. Мен бугун ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган сериалларни назарда тутяпман. Бугунги телетомошабини оҳанрабодек ўзига тортган ва экран қаршига михлаган се-

ётган тўртта канал бир кеча-кундузда 18 соат кино маҳсулоти билан таъминланади, яъни бир кунда 18 соат кино маҳсулотлари тўртта канал орқали намойиш этилади. Кўпчиликнинг эътиборига, шунингдек, эътирозига сабаб бўлган "Гвадалупе" телесериали шу соатнинг уч фозини ташкил этарди. Кимгадир бир каналда берилаётган саргузашт фильм ёқмаса, бошқа каналдан комедия ёки мелодрамани кўриши мумкин. Агар сериал ёқмаса, сал вақтлироқ ёки кечроқ ҳайвонот олами ҳақидаги фильмни томоша қилиш мумкин. Демокчиманки, томошабинда танлаш имконияти бўлиши керак.

— Газетамиз "Ma'rifat" бўлганлиги учун таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Болалар учун намойиш этилаётган фильмларда, асосан, қандай жиҳатлар ҳисобга олинади? Миллий ўзига хослик, характер, фелъ-атвор, руҳият каби тушунчалар ва уларга таъсир қилувчи омилларни ҳам назарда тутасизларми ёки дунё кино ижодхо-

қарияпти. Болалар, албатта, жангари, ур-сур ёки кўрқинчли фильмларни кўриши нотўғри, менимча. Бутун дунёда ҳам болаларни бундай фильмлардан сақлашга ҳаракат қилишади. Газетада ўқигандим. Японияда бир мультсериални болаларнинг руҳиятига салбий таъсир қилгани сабабли намойиш қилишдан тўхтатишган. Шунинг учун бу масалага жуда хушёр қараш керак. Ўзбекистон телевидениесига бундай фильмлар, мультфильмлар деярли кетмайди. Биз имкон қадар бутун дунёда тан олинган, умуминсоний маънавиятга хизмат қиладиган, болаларга маълум бир эстетик тарбия берадиган, яхшиликка чорлайдиган, эзгуликни тарғиб қиладиган бадий фильм ва мультфильмларни беришга ҳаракат қиламиз.

— Баъзида шундай ҳодисалар ҳақида эшитамизки, болалар телеканалларда, хусусан, 30-телеканалда бериладиган "Пауэр ренжерс ёки уддабурон ренжерлар" сингари фильмларни деб мактабга бормаган ҳолатлар ҳам бўлган. Бундай фильмларнинг берилиши

га, айниса, ўғил болаларга хушёрликни, зийракликни ўргатади.

Агар эсингизда бўлса, Президентимизнинг 2000 йил "Фидокор" газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида жангари, зўравонликни, зулмни тарғиб қиладиган гоёлар таъсиридан болаларни эҳтиёт қилиш ҳақидаги фикрлар билдирилганди. Дарҳақиқат, бундай фильмлар болаларнинг онгида ҳаёт фақат кучлиликдан, зўравонликдан иборат деган тушунчанинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Бундай фильмларни бериб бўлмайди. Саргузашт асарларда эса ҳамиша олийжаноблик тўғриси тарғиб қилинади. Ўғил боланинг айниса, ўша рицар даражасида, ҳақиқий эр йигит даражасида туриши, энг оғир шароитда ҳам ўз шаъни, ғурури, ориятини юқори қўйиши тараннум этилади. Курашга кирганда ҳам зулм қилиш учун эмас, кимдир ҳимоя қилиш учун, қўллаб-қувватлаш учун қиради. Мана шундай фильмлар экранда болаларга кўпроқ таъсир кўрсатади. Шу боис биз болалар учун фильмларни танлаганда ушбу жиҳатларни ҳисобга оламиз.

Ойнаи жаҳон орқали намойиш этиладиган турли мавзулардаги, жанрлардаги киномаҳсулотлар, хусусан, бадий фильмлар, сериаллар, илмий-оммабоп фильмлар, мультфильмларни мунтазам томоша қиламиз. Уларнинг савияси ҳақида турлича муносабат билдирамиз. Хўш, бу киномаҳсулотлар қаердан олинади? Уларни телеэкранга ким етказиб беради? Бундан ҳамма ҳам хабардор бўлавермаса керак. Шу мақсадда муҳбиримиз Ўзбекистон телевидениесининг "Кино" маркази бошлиги Дилшод Шамс билан айнаи масалалар хусусида суҳбатлашди.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ УЧУН

# ФИЛЬМЛАР ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ?

мойиш этилади. Демак, у санъат тури сифатида кишиларнинг эстетик савиясига таъсир кўрсатади. Шу боис у тарбиявий аҳамиятга эга. Бизни қизиқтирган асосий жиҳат ҳам ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган фильмларнинг тарбиявий аҳамиятидир. Айтинг-чи, сиз фаолият кўрсатаётган "Кино" маркази жамоаси асосан қандай режа ёки дастурларга таяниб иш олиб боради?

— Аввало айтиш керакки, "Кино" бош муҳарририяти сифатида 1997-2001 йилларда фаолият олиб борган марказ 2001 йилдан Ўзбекистон телевидениесининг "Кино" марказига айлантирилди. У телевидениеда киномаҳсулотлар намойишини мувофиқлаштириш маркази сифатида барча телеканаллар учун бадий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, мультпликацион фильмлар ва сериалларни топади, танлайди, умумий кўриқдан ўтказиши ва гоёвий-мафкуравий жиҳатдан яроқлиларини эфирга тавсия этади. Кўпчилик "Кино" маркази деганда фақат бадий фильмлар ёки телесериаллар билан таъминлашни тушунишади. Лекин юқорида айтиб ўтганимдай, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мультпликацион фильмларни ҳам биз топамиз, танлаймиз ва эфирга тавсия этамиз.

— Бу кино маҳсулотларини қаердан оласизлар?

— Киномаҳсулотларни олиш манбалари бир неча. Шулардан биринчиси, Ўзбекистон телевидениесининг кўп йиллардан бери шаклланиб келадиган кино фонди, иккинчиси, "Ўзбекфильм", "Ўзбектефильм" студиясида яратилган ва яратилаётган кино маҳсулотлари, учинчиси, турли кино бозорлардан сотиб олинган фильмлар (2003 йилда 60 дан ортиқ сериал ва бадий фильмлар сотиб олинган), тўртинчиси, турли мамлакатлар билан маданий алоқаларни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан тақдим этилган сериалларни оламиз. Русийзабон томошабинлар учун ёзиб олинган фильмлар ҳам бор. Бундан ташқари, турли мамлакатларда яратилган бадий фильмлар ва сериаллар ҳақида мунтазам каталоглар келади. Бевоасита кино бозори билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам маълумотлар жўнатиша-

риаллар ҳақида мутахассис сифатида ўзингиз қандай фикрдасиз? Улар чиндан ҳам бадий эстетик савияни оширишга хизмат қиладими?

— Тўғри, инсоннинг кўнглини бирдай олиш қийин, шунингдек, томошабиннинг ҳам. Кино томошалари ҳақида гап кетганда, албатта, сериаллар таъкидлаб ўтилади. Кўпича салбий фикрлар билдирилади. Шу маънода ҳар ким ўз диди, савияси, кўнглиги қараб, асарга муносабат билдиради. Мухими, бу муносабатнинг, кўнглининг тўғрилигига қараб белгиланади. Ўша берилаётган сериаллар фақат ёмонликни ёки жамиятга, одамларга зарар етказадиган салбий ҳолатларни тарғиб қилмайди. Қолаверса, бадий асарнинг вазифаси фақат яхшиликни эмас, ёмонликни ҳам қандай бўлса, шундайлигича кўрсатиши керак. Шунинг учун биз берилаётган фильмларга биринчи навбатда санъат асари сифатида қараймиз. Аслида ҳам шундай-да, кино бу санъат асари, у томошабини ўзига тортиши керак. Нимаси билан ўзига тортиши керак? Бадийлиги, таъсирчанлиги, тасвирнинг чиройлилиги, актёрлар гуруҳининг тўғри танланиши ва шунга ўхшаш жиҳатлари билан томошабиннинг эътиборини қозонади. Бундан ташқари, намойиш қилинадиган фильмларни битта йўналишда ҳам танлаб бўлмайди. Жанрларини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки кимдир тарихий фильмларни ёқтиради, кимдир саргузашт фильмларга қизиқади, баъзилар детектив фильмларни томоша қилса, яна кимлардир ишқий мелодрамаларни кўпроқ кўради. Мусиқий, болалар фильмлари, комедиялар, ҳатто ҳайвонот олами ҳақидаги фильмларнинг ҳам ўз муҳлислари бор. Хуллас, ўндан ортиқ хилма-хил жанрлардаги фильмлар танланади. Мақсадимиз, турли дид, савияли томошабиннинг, кенг аудиториянинг эҳтиёжларини қондиришидир. Шу ўринда мулоҳаза учун бир маълумотни келтирмақчиман. "Кино" маркази томонидан Ўзбекистон телевидениесига фаолият олиб бора-

насидаги маҳсулотларнинг умумий давлатларда, миллатларда эътироф этилиши, урф бўлиши муҳим ҳисобланадими?

— Болалар учун кейинги йилларда компания томонидан берилаётган бадий фильмларга, шунингдек, мультфильмларга ҳам жиддий эътибор қаратилаяпти. Энг яхши мультфильмлар, мисол учун бутун дунё болалари севиб кўрадиган 52 қисмли "Ака-ука Гримм эртақлари", "Кундуз бобо қиссалари", "Денгиз итлари", "Шумтақалар" сингари ўнга яқин йирик мультсериаллар сотиб олинган. Улар "Ўзбектефильм" студияси томонидан ўзбек тилига ўғирилган ва дубляж қилинган. Бу мультфильмлар ўзбек болалари томонидан ҳам ёд бўлиб кетди. Бундан ташқари, "Рамаёна" сингари катта сериал, эпик асар берилди. Умуман, биз имкон қадар болалар учун танландиган фильмларда ҳам миллий ўзига хосликни, фелъ-атворни, айниса, болалар руҳиятини ҳисобга оламиз. Агар эътибор бериб қарасангиз, фақат яхшиликни, эзгуликни тарғиб қилувчи фильмлар, мультфильмларни танлашга ҳаракат қиламиз.

— Бугунги кунда "Уйда ёлғиз", "Жуманжи", "Айғоқчи болалар" каби бадий фильмлар болаларнинг энг сеvimли томошалари ҳисобланади. Уларда уддабуронлик, эпичиллик, кўрқмаслик тушунчалари тарғиб қилинади. Лекин улар ҳақиқий инсоний фазилатлар — меҳр-муҳаббат, хурмат-эътибор, кўрқув (баъзида унинг бўлгани ҳам яхши)ни қурбон қилиш эвазига бўлаётгандай назаримда. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

— Фикрингизни тушундим. Бу жуда нозик масала. Мана сиз билан биз ҳам бола бўлганмиз. "Тарзан", "Робинзон Крузо" сингари саргузашт фильмларни мириқиб томоша қилганмиз. Уларнинг мазмуни бугунги кунда намойиш этиладиган фильмлардан фарқ қилади. Бугунги кунда дунё кино бозорига фақат болалар учун эмас, кагталарга мўлжалланган фильмларда ҳам мистика, жангари, кўрқинчли фильмлар кўп ишлаб чи-

болаларнинг тарбияси билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармайдими?

— Агар кино деб бола мактабга бормайдиган бўлса, бу оиланинг ўз муаммоси. Демак, оилада бола назорат қилинмайди. Қолаверса, биз расмий давлат телеканаллари учун киномаҳсулотларини берамиз. Биз ҳеч қачон болалар мактабга борадиган пайтда бундай фильмларни кўрсатмаймиз. Энди шу ўринда масаланинг бошқа бир жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Одатда ўғил болаларда жасоратга, қандайдир қахрамонлик қилишга, саргузаштларга табиатан мойиллик бор. Уни ҳам инobatга олиш керак.

— Ҳозирда бадий фильмлар ёки сериаллардаги ёшларга таъсир қилувчи ахборотлар, гоёларни тақиқлаб бўладими? Агар бўлмаса, сиз қандай йўлни тавсия қилардингиз? Сизнинг жамоангиз бу йўлда қандай саъй-ҳаракатлар олиб бораёпти?

— Кўпича, ота-оналар жангари фильмлар қаторида фантастик ёки саргузашт фильмларни ҳам салбий таассурот уйғотувчи фильмлар сифатида болаларни учун тақиқлайди. Фақат тақиқ билан иш битмайди. Аксинча, болаларни ўшандай киноларга яна ҳам қизиқтириб қўйиш мумкин. Бу ҳам нотўғри, меннинг назаримда. Бундай фильмлардан болани маҳрум қилиб бўлмайди. Улар шундай фильмларни кўришга интилади. Балки шунинг учун ҳам бола мактабга бормаган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда муқобил йўлни топиш зарурми ёки тушуниш билан қараш керакми?.. Хуллас, муаммонинг ечимини тақиқлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Менимча, саргузашт фильмлар, мисол учун Жюль Верннинг "Ун беш ёшли капитан" асари ва бошқа-бошқа шундай мазмундаги фильмларни бериш керак. Яна тақрор айтаман, жангари фильмлар эмас, саргузашт, матонат, чидам, иродани мустаҳкамлайдиган, шундай тушунчаларни болалар қалбига сингдирадиган бадий фильмлар ҳам, мультфильмлар ҳам керак. Улар ўз навбатида маълум маънода болалар-

— Ойнаи жаҳонда намойиш этиладиган хориж фильмларининг таржималари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз. Фильмлар маъхус таржимонлар томонидан ўзбек тилига ўғирадими ёки тахририятда чет тилини билганлар ҳам бу ишни қилиши мумкинми? Бунда аниқ ўлчам, мезон борми?

— Фильмлар таржимасига келсак, улар жуда жонли, раво нутқда бўлиши талаб этилади. Айниса, унда меъёр жуда муҳим масала. Шу боис, таржималарни имкон қадар мутахассислар амалга оширади. Марказимизда ҳинд тили бўйича Умар Отaxon, Юлдуз Очилова, инглиз тилидан Хулкар Аъзам, араб тилидан Бахтиёр Иброҳимов сингари таржимонлар билан, шунингдек, ташқи муаллифлар билан ҳамкорликда ишлаймиз. Биз танланган фильмларни таржимонларга мавзуларига қараб берамиз. Имкон қадар асл матндан таржима қилишади.

— Жорий йил Президентимиз томонидан "Меҳр ва мурув" йили деб эълон қилинди. "Кино" маркази шу муносабат билан мазкур йилда қандай мавзулардаги фильмларни беришни режалаштирган?

— "Меҳр ва мурув" йили муносабати билан бир қатор бадий фильмларни кўриб, танлаб олдик. Шулардан бирига тўхталмоқчиман. Яқинда "Ўзбекистон" телеканали орқали "Ота меҳри" деган фильм намойиш қилинди. АҚШ киноижодкорларининг маҳсулоти. Таъсири фильм кўпчилига манзур бўлди. Бундан ташқари, мазкур йилда инсонлар орасидан кўтарилаётган меҳроқибат, ўзаро инсоний муносабатларни акс эттирувчи "Аёл эрки", "Қисмат" деб номланган Япония киноижодкорларининг янги сериалларини намойиш қилишни режалаштирганмиз. Умуман, бу мавзудаги бир қанча фильмларни танлаганмиз. Уларнинг намойиши яқинлашгани ойнаи жаҳонда анониси берилади. Ўйлайманки, улар томошабинларга манзур бўлади.


— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

Назира ҚУРБОН қизи суҳбатлашди.



**"ЮКОС" УСТИДА МАШМАША**

"Сосиете Женерал" банки етакчилигидаги синдикат томонидан берилган бир миллиард долларлик кредит бўйича Россиянинг "ЮКОС" нефт компаниясига дефолт эълон қилинди. "ЮКОС"нинг акционерларидан бири "Роксуэлл Холдингз" инвестицион компанияси Нью-Йорк судига даъво аризасини киритган. Компания вакиллари "ЮКОС"нинг асосий акционерлари ва



аудиторлик компаниясини савдо чоғида акциялар нархини сунъий равишда оширганликда айбламқда. "ЮКОС" нефть компаниясининг яна бир неча хорижий акционерлари Россия Президенти Владимир Путинга хат йўллаган. Хатда уларнинг мамлакатдаги инвесторлар мулки ва ҳуқуқлари ҳимоясига доир вазиятдан хавотирда эканлиги билдирилган.

2000 йилдаги 100 миллиард рубл миқдоридagi солиқ ва 2001 йилдаги солиқ қарздорлиги бўйича суд ишлари муносабати билан ҳозирда "ЮКОС" компаниясининг ҳисоб рақамлари вақтинчалик ёпилган.

**МИЛОШЕВИЧНИНГ ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?**

Ҳарбий жиноятлар бўйича халқаро трибунал собиқ Югославия Президенти Слободан Милошевич тақдирини қандай ҳал қилиш ҳақида бош қотирмоқда.

Шу ҳафтанинг душанба кунин суд жараёнини тўхтатишга мажбур бўлинган. Бунга сабаб сифатида Милошевичнинг соғлиги оғирлашгани эътироф этилмоқда. Милошевич адвокатларидан воз кечиб, ўзини ўзи ҳимоя қилапти. Суд собиқ Югославия президентини инсониятга қарши жиноятларда ва геноцидда айбламқда. Суд ўз ишини биринчи бор 2002 йилнинг феврал ойида бошлаган.



Милошевич олтидан ортиқ ҳарбий жиноятларда айбланмапти. Шу кунгача суд томонидан 295 нафар гувоҳ сўроққа тўтилган. Аммо шифокорларнинг айтишича, 62 ёшли Милошевич қон босим касаллигига дучор бўлган. Агарда у тез орада ўз соғлиги билан жиддий шуғулланмаса, инфаркт касаллигига дучор бўлиши мумкин.

Интернет манбалари асосида К.АХЛИДИНОВА тайёрлади.

Испания билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқаларнинг тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. 1402 йилда Кастилия қироли Энрике III ўзининг элчилари — Паймо Гомес де Мотмайра ва Хернан де Полазуелосларни Шарққа, хусусан, Мовароуннаҳрга юборади. Улар орқали Амир Темурга давлатлараро алоқаларни ўрнатиш таклифи етказилади ва қисқа фурсат ичида ижобий жавоб олинади. 1403 йилнинг мартида эса Амир Темур маслаҳатчиси Муҳаммад ал-Қозийни Кастилия пойтахти Сеговияга элчи



қилиб юборади. Ўз навбатида Кастилия қироли ўзининг маслаҳатчиси Руи Гонсалес де Клавихони Амир Темур давлатига элчи этиб тайинлайди ва у 1403 йилдан бошлаб юртимизда иш юрита бошлади. Клавихо Самарқандга қилган сафарини ўз юртдошларига батафсил баён этган ва унинг ёзган кўлёмаси Испанияда чоп этилган.

Испания қироли Хуан Карлос I нинг 1984 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига қилган амалий ташрифи Ўзбекистон ва Испания ўртасидаги муносабатларда янги босқични

**Biz va dunyo**

бошлаб берди. Ташриф давомида Кордова ва Бухоро шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатиш бўйича ҳужжат имзоланди.

Мустақил бўлганимиздан сўнг икки томонлама муносабатлар янги босқичга кўтарилди. 1992 йилнинг март ойида Испания билан мамлакатимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 1996 йили Флоренцияга қилган ташрифида Европа Иттифоқи саммити

бошқа маҳсулотларни экспорт қилади. Ўз навбатида Испаниядан Ўзбекистонга турли оптик ва механик ускуналар, кимё саноати маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотлар келтирилади.

Ўзбекистон — Испания қўшма корхоналари сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айни пайтда республикамызда олтига ўзбек—испан қўшма корхонаси ва тўлиқ Испания сармоялари асосида ташкил этилган битта корхона фаолият кўрсатмоқда. 2001 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Испания қироллиги ўртасидаги маданият ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимга асосан илмий ва маданий ҳамкорлик ҳам жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Испаниянинг етакчи Алкала де Энарес университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Икки давлат ўртасида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро вилояти "Сувоқова" ишлаб чиқариш бошқармаси ва Испаниянинг "Дегремон Медиа Амбьенте С.А." компанияси ўртасида Бухоро вилоятини сув билан таъминлаш мақсадида зарур анжом ва ускуналарни олиб келиш, уларни ўрнатиш ҳамда ишчи-ҳодимларни ўқитишга қаратилган қиймати 16 миллион 175 минг еврога тенг битим имзоланган ва амалга оширилмоқда.

Муродилла АЛИМБОВ, ТДШИ 2-курс талабаси

**КЕЛАЖАКНИ ОЛДИНДАН КЎРГАН ИНСОН**

Тарихда шундай инсонлар дунёга келганки, уларга "келажакни олдиндан билиш ҳисси" ато этилган. Шундай инсонлардан бири Мишель де Нострадам. У Нострадамус тахаллуси билан Франциянинг жанубида 400 йил аввал яшаб ўтган.

Нострадамус катта олим, табиб, астролог, башоратчи, доривор гинёҳлар кашфиётчиси сифатида инсонларда катта ҳайрат уйғотган.

Нострадамус ўзининг 10 жилдлик "Центурий"ида 1104 башоратни байт-катренларда ёзган. Унинг башоратларига қизиқиши туфайли кўп олимлар катренларни ечишга ҳаракат қилишган. Лекин Нострадамус ўзининг башоратларини жуда қийин эски француз тили, провенсал ва лотин тилларида ёзган. Бундан ташқари, у ўзининг башоратларини "сўз ўйини", иллюзия, шаямлар, грамматик айёрлик ва анаграммаларда ифода этган.

Башоратчи ўзининг "Центурий"сини 1554 йилда бошлаган. Биринчи учта "Центурий" 1555 йилда босилган ва унинг тўртинчи ва еттинчи "Центурий"лари 1556 йилда чиқарилган. "Центурий" ўзи нима?

"Центурий"даги катрен баён этилаётганда, унинг олдида рақам ва жилд ёзилади. Масалан, С1Q25—25 катрен "Центурий"нинг 1-жилди эканлигини англатади.

Сайёра ИСАМУҲАМЕДОВА

**7-iyul — Dunyo aholisi kuni**

яшайди. Бу аҳолининг ҳозирги сонига нисбатан қарийб йигирма икки минг баравар кўп демакдир.

Бироқ, бу тахмин, холос. Статистик маълумотларга кўра, аҳоли сони тўққиз миллиардга бориб тўхтади ва ўзгаришсиз қолади.

Бугунги кунда аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ демографик муаммолар дунё жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Ўз-ўзидан маълумки, дунёга келган ҳар бир инсоннинг нормал ҳаёт кечириши давомида қанчадан-қанча табиий ва сунъий омиллар керак бўлади. Озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва ҳоказо.

Демографик ўсиш эса бу омилларнинг танқислигига олиб келади.

Ҳозир дунё аҳолининг бешдан бир қисмаси истиқомат қиладиган Хитойда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Кейинги йилларда Хиндистон ҳукумати ҳам «демографик портлаш»нинг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Европанинг кўпгина мамлакатларида, Россия ва Японияда эса туғилишнинг кескин камайиб бораётгани ҳукуматни жиддий ташвишга солаётир.

Маълумотларга кўра, ҳар сонияда ўртача тўрт нафар чақалоқ дунёга келади. Демак, биз бу хусусда сўз бошлаганимиздан бери юзлаб гўдаклар дунё юзини кўрди.

Рустам ЖАББОРОВ, Ҳамза АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА)

Мутахассислар фикрича, шу пайтга қадар ёруғ оламда яшаб ўтган одамларнинг сони саксон миллиарддан ошади. Уларнинг олти миллиарддан кўпроги бизнинг замондошларимиздир.

Маълумотларга кўра, бундан ўн етти минг йилча муқаддам, яъни палеолит даврининг охирида Ер юзиде бор-йўги уч миллион киши яшаган. Неолит даврида уларнинг сони эллик миллионга етган.

Милоннинг бошларида аҳоли сони 230 миллион кишини ташкил этган бўлса, орадан минг йил ўтиб, ўн-ўн биринчи асрларда бу рақам атиги бир неча миллионга ўсган, холос. Ўрта асрлардаги паст турмуш даражаси, муттасил давом этган урушлар аҳоли сонининг ўсишига жиддий таъсир кўрсатган.

**ОЛТИ МИЛЛИАРДЛИК УЛКАН КЕМА**

Дунё аҳолиси биринчи миллиардлик чўққини ўн тўққизинчи асрнинг олтининчи йилларида забт этганди. Йигирманчи аср бошларида сайёрамизда 1 миллиард 600 миллиондан кўпроқ киши истиқомат қилган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида аҳолининг ўсиш суръати ўта тезлашиб кетди. Айни пайтда Хитой (1300 млн.), Хиндистон (1017 млн.), Индонезия (206 млн.) каби мамлакатлар нуфуси жихатидан етакчи ўринларда туради.

Дунё аҳолиси сони ҳозир ҳам ўсиб бормоқда. Бу рақам ҳар йили ўртача 90—100 миллион нафарни ташкил этади. Бу салкам Покистон ёки Бангладеш аҳолиси сони билан тенг. Айнқса, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси худудида туғилиш даражаси юқори.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ўсиш даражаси ҳозиргидек давом этса, уч юз йилдан кейин Ер шарида 134 триллион (!) киши



**АБИТУРИЕНТЛАР ДИККАТИГА!**  
**ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ**  
**ШАЙХОНТОХУР АКАДЕМИК ЛИЦЕИ**

**Ўқишга қабул эълон қилади.**

Ўрта мактабнинг 9-синфини аъло ва яхши баҳоларга битирган, чет тили (инглиз тили, немис тили), математика, иқтисод ва ижтимоий фанларга қизиқувчи ўқувчиларни ўқишга таклиф этади.  
Ўқишга кирувчилар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни шахсан тақдим қилишлари зарур:

- лицей директори номига ёзилган ариза;
- ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан кўчирма (гувоҳноманинг асли қабул ҳайъати томонидан ҳужжатлар қабул қилинаётганда шахсан кўрсатилади);
- 086/у шаклдаги тиббий маълумотнома;
- ўқувчининг доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
- ўқувчининг 3x4 ёки 4x6 ҳажмдаги 6 дона фотосурати;
- 9-синфни битирганлиги ҳақида шаҳодатноманинг асл нусхаси;
- касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташхис Марказининг тавсияномаси.

Ҳужжатлар ўқишга кирувчи томонидан қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.  
Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 144-84-18.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 242-уй.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**  
**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА НАФИС САЪЪАТ ЛИЦЕИ**  
**2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар**  
**бўйича иқтидорли ўқувчиларни ўқишга**  
**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

**V синфга инглиз тили ва адабиёт йўналиши бўйича:**  
Имтиҳонлар: она тилидан диктант, она тили ва адабиёт бўйича ҳамда психологик тест бўлади.

**VII синфга тарих ва ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича:**  
Имтиҳонлар: она тилидан диктант, тарих фанидан ва психологик тест ўтказилади.  
**VIII синфга фақат санъатшунослик йўналишига иқтидорли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади.**

Имтиҳонлар: она тилидан диктант, санъатшунослик бўйича ва психологик тест ўтказилади.

**IX синф таянч маълумотига эга бўлган иқтидорли ўқувчилар**  
**X синфнинг тарих ва ҳуқуқшунослик йўналишига қабул қилинади.**

Имтиҳонлар қуйидаги фанлардан ўтказилади:

1. Она тилидан диктант.
2. Тарих ва ҳуқуқшуносликдан тест.
3. Психологик тест.

Дастлабки суҳбатдан ўтган ўқувчиларнинг ҳужжатлари қабул қилинади ва тест-синовга қўйилади.

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари зарур:**

1. Директор номига ариза.
2. Баҳолар табели ёки таянч маълумоти ҳақидаги гувоҳнома.
3. Яшаш жойидан маълумотнома.
4. Тиббий маълумотнома (086-У шаклида, F-26, эмлаш синамаси, АДСМ, реакция манту, БЦЖ).
5. Фотосурат 3x4 (олти дона).
6. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома.
7. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Маркази тавсияномаси (IX синфни битирганлар учун).

**Ҳужжатлар 2 августдан 14 августгача қабул қилинади.**

Имтиҳонлар 16 августдан бошланади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Ц» мавзеси.  
**Мурожаат учун телефон:** 76-59-50.

*Вилоятдан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**2004-2005 ўқув йили учун Давлат грантлари ва тўлов-контракт асосида бакалаврият**  
**ва магистратура таълим йўналишлари бўйича**  
**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Бакалаврият бўйича қуйидаги йўналишларга:**

5140900 Касб таълими  
5522900 Биотехнология  
5720500 Фармация  
5720700 Саноат фармацияси

Ўқишга кириш истагида бўлган фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2004 йил 20 июлгача.

- Ректор номига таълим йўналиши ўқув тили ва шакли кўрсатилган ҳолдаги ариза;
- ўрта ва ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
- №086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;
- паспортнинг нусхаси;
- 3x4 см ҳажмдаги 6 та фотосурат.

**Магистратура бўйича қуйидаги йўналишларга:**

5A522901 Доривор ўсимликлар биотехнологияси

5A522902 Иммунобиологик ва микробиологик препаратлар технологияси

Ўқишга кириш истагидаги бакалавр даражасига эга бўлганлар ва дипломли мутахассислар институт қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда институт ректори номига ариза;
- олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;
- №086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;
- паспортнинг нусхаси;
- 3x4 см ҳажмдаги 6 та фотосурат;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати 2004 йил 1 июлдан 30 июлгача.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги

телефонлар орқали олишингиз мумкин: 152-67-60, 56-37-38. Факс: 56-45-04.

Тошкент фармацевтика институти манзили: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй, метронинг Ойбек бекати.



# ЯНГИ АФСОНА

Юнистон — афсоналар ўлкаси. Олимпиада ватани бугун яна бир янги афсонани яратди. Тўғрироғи, немис мураббийи Отто Рехагель бошчилигидаги 23 нафар грек йигитлари ушбу афсона яратувчилари бўлдилар. Унинг бунёд бўлишига Испания, Португалия, Франция, Чехия каби футбол ривожланган юрт вакиллари тўсиқ бўлишолмади. Қитъа ва жаҳон чемпионати финал босқичида кўп бора иштирок этиб, биронта ҳам ўйинда ғалаба қозонолмаган Греция Евро-2004да чемпион бўлди.



Оммавий ахборот воситалари, мутахассислар, футболчилар, мухлислар бу афсонани ҳали кўп эсга оладилар.

## ЕВРО — 2004: БАРЧА ҲОРАТЛАР ҲАМ

<b>12 июн</b>	
Португалия-Греция	— 1:2
Испания-Россия	— 1:0
<b>16 июн</b>	
Греция-Испания	— 1:1
Россия-Португалия	— 0:2
<b>20 июн</b>	
Испания-Португалия	— 0:1
Россия-Греция	— 2:1
<b>“В” гуруҳи</b>	
<b>Франция, Англия, Хорватия, Швейцария</b>	
<b>13 июн</b>	
Швейцария-Хорватия	— 0:0
Франция-Англия	— 2:1
<b>17 июн</b>	
Англия-Швейцария	— 3:0
Хорватия-Франция	— 2:2

<b>21 июн</b>	
Хорватия-Англия	— 2:4
Швейцария-Франция	— 1:3

### “С” гуруҳи

Италия, Дания, Швеция, Болгария

<b>14 июн</b>	
Дания-Италия	— 0:0
Швеция-Болгария	— 5:0

<b>18 июн</b>	
Болгария-Дания	— 0:2
Италия-Швеция	— 1:1

<b>22 июн</b>	
Италия-Болгария	— 2:1
Дания-Швеция	— 2:2

### “Д” гуруҳи

Германия, Голландия, Чехия, Латвия

<b>15 июн</b>	
Германия-Голландия	— 1:1
Чехия-Латвия	— 2:1

<b>19 июн</b>	
Латвия-Германия	— 0:0
Голландия-Чехия	— 2:3

<b>23 июн</b>	
Голландия-Латвия	— 3:0
Германия-Чехия	— 1:2

<b>1/4 финал</b>	
<b>24 июн</b>	
A1-B2	
Португалия-Англия	— 2:2 (6:5)

<b>25 июн</b>	
B1-A2	
Франция-Греция	— 0:1

<b>26 июн</b>	
C1-D2	
Швеция-Голландия	— 0:0 (3:4)

<b>27 июн</b>	
D1- C2	
Чехия-Дания	— 3:0

<b>1/2 финал</b>	
<b>30 июн</b>	
Португалия-Голландия	— 2:1

<b>1 июл</b>	
Греция-Чехия	— 1:0



### Финал

4 июл

Португалия — Греция — 0:1

### Тўпурарлар:

5—Милан Барош (Чехия).  
4—Уэйн Руни (Англия), Рууд Ван Нистелрой (Голландия).  
3—Ангелос Харистеас (Греция), Зайниддин Зидан (Франция), Хенрик Ларссон (Швеция), Йон Дал Томассон (Дания), Фрэнк Лэмпард (Англия).  
2—Кристиану Роналду (Португалия), Златан Ибрагимович (Швеция), Тиерри Анри (Франция), Антонио Кассано (Италия), Марек Хайнц (Чехия), Руй Кошта (Португалия), Ян Коллер (Чехия), Манише Рибейру (Португалия).

1—Михаэл Баллак (Германия), Басинас (Греция), Дмитрий Буликин (Россия), Винфрид Баума (Голландия), Хуан Карлос Валерон (Испания), Марис Верпаковскис (Латвия), Зизис Вризас (Греция), Йеспер Гронкьяер (Дания), Траянос Деллас (Греция), Стивен Жеррард (Англия), Георгиос Карагунис (Греция), Дмитрий Кириченко (Россия), Нико Ковач (Хорватия), Рой Макай (Голландия), Фернандо Мориентес (Испания), Нуну Гомеш (Португалия), Маркус Альбэк (Швеция), Майкл Оуэн (Англия), Симоне Перротта (Италия), Мартин Петров (Болгария), Элдер Поштига (Португалия), Дадо Пршо (Хорватия), Милан Рапаич (Хорватия),



## «Yevro — 2004»

Пол Скоулз (Англия), Давид Трезеге (Франция), Игор Тудор (Хорватия), Йохан Фонлантен (Швейцария), Торстен Фрингс (Германия), Владимир Шмицер (Чехия), Фредрик Юнгберг (Швеция), Юнсон (Швеция).

### Автоголлар:

Жорже Андраде (Португалия), Игор Тудор (Хорватия).

### Мураббийлар алмашинуви

Португалияда бўлиб ўтган ўйинлар кўплаб мураббийларнинг «ўйиндан чиқишига» сабаб бўлди. Демак, Бош мураббийлар алмашинуви.

Мамлакат	Кетди	Келди
Испания	Иньяки Саес	Луис Арагонес
Франция	Жак Сантини	(Лоран Блан, Жан Тигана)
Италия	Жованни Трапаттони	Марчелло Липпи



Швеция	Томми Содерберг	Ларс Лагербак қолди
Болгария	Пламен Марков	—
Германия	Руди Фёллер	(Оттмар Хитцфельд)

\* 31 ўйинда дарвозаларга 77 та тўп киритилди. Бу бир ўйинга ўртача 2,48 таданга тўғри келади.

\* Илк бор чет эллик мураббий ўзга юрт терма жамоасини қитъа голиблигига олиб чиқди. Жаҳон чемпионатида ҳам ҳали бу ҳол учрамаганди.

\* Рақиблар дарвозасига Чехия ва Англия терма жамоалари энг кўп — 10 тадан гол урган бўлса, Латвия, Болгария, Швейцария терма жамоалари энг кам — 1 тадан тўп киритишди.

Нодир СУВОНОВ тайёрлади.

Шахмат ажойиб ақл-идрок ўйини бўлганлиги сабабли асрлар оша яшаб келмоқда. Шахматдаги энг яхши партиялар ноёб воқеа ҳисобланади. Шу боис жаҳон биринчилиги учун ўйналган партиялар муҳимлиги ва аҳамияти, қолаверса, турли-туман мураккаб комбинацияларга бойлиги билан ажралиб туради.


Шу ерда табиий савол туғилади: хўш, жаҳон биринчилиги учун курашлар қачон бошланган?

Шахмат ўйини йиллар ўтиши билан тобора такомиллашиб, гўзаллашиб бораверар экан, ўз ўрнида унинг ҳақиқий усталари ҳам етишиб чиқа бошлади. Ва бир қанча “жанг”лардан кейин австриялик Вилгельм Стейниц расмий равишда жаҳоннинг биринчи чемпиони деб эълон қилинди. Албатта, бу ютуқ осонлик билан қўлга киритилмаган эди. Ахир, Вилгельм билан бир қаторда Морфи, Андерсен, Цукерторт каби ўз даврининг тенг йўқ шахматчилари дона су-

# ШАХМАТ ҚИРОЛЛАРИ

ришган эди. Стейниц барча довларни гоҳ қийинчилик, гоҳ осонлик билан босиб ўта бошлади.

Вилгельм Стейниц 1836 йил 14 майда Вена шахрида майда савдогар оиласида дунёга кел-



Оқлар бошлаб дуранга эришади.

## Mashhurlar hayotidan

ди. У Венадаги қахвахоналарда бой хомийлар билан дона суриб, тирикчилик ҳам қилди, ўртага пул қўйиб ҳам ўйнади, гойибона — тахтага қарамой ўйнаш санъатини намойиш этди. Унинг веналик кучли шахматчиларни энгиши 1862 йилда II Лондон халқаро турнирида қатнашишига имкон яратди. Шу тариқа Вилгельм жаҳон биринчилиги учун бўлган йўллардан аста одимлай бошлади. Мана, ўша йўллар:


1866 йил германиялик тенгсиз шахматчи А.Андерсен устидан эришилган ғалаба (8:6) Стейницни янада машхур қилди.

1872 йил. Лондондаги халқаро турнирда биринчи совринни

олади. Ўша йилнинг ўзида янги юлдуз Цукерторт устидан голиб келади (+7-1=4).

1873 йил. Венадаги халқаро турнирда 1-ўринни қўлга киритди.

Лекин бу ютуқлар расмий тан олинди, жаҳон чемпиони номи



Оқлар бошлаб ютади.

аниқ бўлмагунча, Стейниц жим тура олмади. Чунки бир турнирда Цукерторт ундан нақ 3 очко ўзиб, 1-ўринни эгаллаганди.

Стейниц юксак даражага эришиш учун Цукертортни энгиши зарур эди.

Шундай қилиб, икки гигант ўртасида расмий жаҳон биринчилиги даврини очиб берган тарихий баҳс бошланди. Бу сана 1886 йилнинг 11 январи эди. Нью-Йорк, Сент-Лунс ви Янги Орлеанда бўлиб ўтган “жанг”да Стейниц ишончли ғалабага эришди: +10-5=5 (ўн партия ютуқ, бештаси мағлубият ва бештаси дуранг).

Стейниц 1-жаҳон чемпиони деб эълон қилингандан кейин ҳам тинч турмади. Бир неча халқаро турнирларда совринли ўринларга сазовор бўлди. У 1900 йил 12 августда Нью-Йорк шахрида вафот этди.

Қуйида берилган шахмат этюдлари сиз мухлисларни бифарқ қолдирмайди деган умиддамиз.

Элмурод ЭГАМКУЛОВ,  
Шерали НОМОЗОВ



# ХУШЁР БЎЛ, АБИТУРИЕНТ

Мен сенга бу хатни ёзиш-ёзмалик ҳақида кўп ўйладим. Хат ёзишга эса, сени кўрганимдан сўнг қарор қилдим. Аввал бошлаб абитуриентлик кунларимда талабалар ётоқхонасида бўлиб ўтган бир воқеани ҳикоя қилай.

Бир кунни кечаси мутолаадан толиқиб, ҳовлига чиқдим. Шовқинли ётоқхонада кечаси ва эрта тонгдагина дарс тайёрлашга имконият топиш мумкин. Бир оз тин олиб, хаёллар оғушида хонамга қайтарканман, баҳс қилаётган талабаларга дуч келдим. Улар менга кўзлари тушдию, мени тергай кетишди:

— Абутирик, — деди талабалардан бири, — ётоқхонада туришга паспорт берганмисан?

— Комендантда, — дедим мен ҳам ёлгон гапиришни афзал билиб.

Улар орасидаги «пагонли» йигит ётоқхонада гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчи ёшлар борлигини айтиб, хонада тинтув ўтказишга руҳхатномасини кўрсатди.

Нималар бўлапти ўзи? Китобларим орасидан паспортимни топиб олишди. Бу, йигитларга яхшигина баҳона эди. Ташқаридан аллақандай гиёҳванд йигитни судраб келишди. Кетидан олиб келинган шериги анча тетик эди. Худди кинолардагидек. Уларнинг қалтирашини кўриб, вужудимнинг бир четидидаги кўркүв бутун танамга ёйилди. Нотаниш йигит мени кўрсатиб: «Шу боладан сотиб олдим. Кейин акамга укол урдим», дея қочишга уринди. Аяхон талабаларнинг «Камида 15-20 йилга «кесиласан». Нима қилганингни тушунаёсанми, ота-онанга нима дейсан?» қабилдаги сўзлари юрагим-

га баттар гулгула соларди. Ўқишга кирмасам ҳам пойтахтдан кетишга рози эдим ўша лаҳзаларда. Менга қарши кўрсатма бераётган йигит айтган пул ҳам чўнтагимдан чиқди. Хуллас, роса кўрқитишди. Ётоқхона талабаларининг кулгиси ва ёпирилиб кириб келишларигина менга ҳақиқатни ойдинлаштирди. Маълум бўлишича, мени ваҳимага солаётган бу йигитлар Санъат институти битирувчилари экан. Улар битирув имтиҳони учун «сахна»ни репетиция қилишгаётган бўлиб, менинг «иштирок»имдаги бу «сахна» ниҳоятда ишончли чиққанди.

Ана шунақа кутилмаган ҳодисалар учраб қолиши мумкин. Энди сен ҳам мустақил инсонга айландинг. Мактаб дас-турисидаги давлат

## Мактуб

имтиҳонлари ортда қолди. Олий ўқув юртида таҳсил олиш, талаба бўлиш орзусидасан. Ота-онанг бағридан узоклашиб, шаҳарга келдинг. Имкониятларинг бир оз кенгайган, вақтинг эса қисқа. Абитуриентлар билан суҳбатлашасан, уларнинг фикрларини турлича. Мутолаа қилиш, тест саволларига жавоб топиш ёқмай қолаётган бир пайтда, «осонлик» билан ўқишга кириш йўлларини ўргатадиганлар ҳам топилади. Кимдир сенга «Х вариант» топиб беришни ваъда қилгандир? Ёки бирорта «уддабурон» ўрнинга имтиҳонга кириб бермоқчи бўлаётгандир? Қадрли абитуриент, нима қилсам экан, дея иккиланма. Қўлингга китоб ол, ўқи-ўрган! Сени олиқ даргоҳ, бахтли келажак кутмоқда. Изланишлардан тўхтама ва албатта, ҳушёр ҳам бўлгин.

**Азиз НОРКУЛОВ,**  
собик абитуриент

Тенгдошларим ўртасидаги суҳбат, ўзаро мулоқотни кузатишимда доим шу саволни ўзимга ўзим бераман. Чунки одатий сўзлашувимиз шунчалик издан чиқиб кетганки, гўё биз азалдан ана шу тарзда гапирадигандек. Ўртоқларимнинг ҳар бир гапларига уятсиз сўзларни кўшиб гапириши, тилни бузишдан ташқари, атрофдагиларга жуда хунук эшитилади. Яна денг, бу сўзларнинг тап тортмасдан кўча-кўйда, жамоат жойларида баралла айтилавериши, катталарнинг, ён-ат-

## Fikr

нинг таъсири бўлаётганини сезаман. Болалар сўкишмасдан, уятсиз сўзларни кўшмасдан гапирадиган тенгдошларини менсимайдилар. Уларнинг устидан кулишади. Наҳотки, бу ҳам замонавийлик белгиси бўлса? У инсонни маданияшлаштириш ўрнига ёввойилаштирмаяптими? Шундай «замонавийлик» бизга керакми? Менинг тенгдошларим балогат ёшига етай деб қолганлари

# СЎКИНМАСДАН ГАПИРИШ МҲМКИНИ?

рофдагиларнинг бунга бепарво бўлишлари-чи? Катталар ҳам бундай сўкинишларни эшитмаганга олишади. Танбеҳ беришни билишмайди. Берган ҳолларда ҳам ҳозиржавоб, андишасиз болаларнинг жавобларидан ҳафсаласи пир бўлади. Қизиқ, бизнинг ота-оналаримиз ҳам шундай гапиришадими? Улар болаларининг ана шу ҳолатини биладиларми? Кўчада ўртоқлари билан сўкишиб сўрашадиган, одатий гапи уятсиз сўзлардан иборат бўлган болалар уйда қандай гапиришар экан? Отаси ёки онаси бирор нарсени сўраса ёки дакки берса, оғзидан номақбул сўзлар чиқиб кетишидан хижолат тортмишмасмикан?

Шулар ҳақида ўйлаганимда, негадир тарбия борасида ота-онан кўра ҳам кўпроқ муҳит-

учун аллақачон ўзларини шахс сифатида катта одамдай тутишади. Эркинликка, ота-онасига, катталарга тобе бўлмасликка интилишади. Бунинг ифодаси сифатида андишасиз сўзлашувга эрк беришади. Ҳатто синфидаги, гуруҳидаги тенгдош қизлардан ҳам тап тортмишмайди. Ўз навбатида қизлар ҳам бундай сўзлардан кўп ҳам хижолат бўлишавермайди. Эшитавериб, кўникиб кетишган. Наҳотки, аҳвол шу тарзда давом этаверса? Ҳеч ким уни тартибга сололмаса? Тилимининг бузилиб кетаётганига ким жавобгар? Ёки сўкинмасдан гапириш учун ҳам қандайдир меъёрий ҳужжатлар керакми?

Тилнинг софлиги учун курашадиганлар ҳам борми?

**У.ЁРМАТОВ,**  
Мирзо Улуғбек туманидаги  
241-мактаб ўқувчиси

## ЁМОН ОИЛАЛАР КЎПАЙИБ КЕТДИМИ?

Ассалому алайкум, ҳурматли муаллимлар!

Менинг ота-онам ҳам сиз каби ўқитувчилар бўлсалар-да, улардан ўзимни қийнаётган бир муаммо ҳақида сўрай олмадим, уялдим. Ниҳоят, сизлардан хат орқали сўрашга жазм қилдим. Юқорида таъкидлаганимдек, оиламиз бошлиқлари зиёлилар бўлганликлари учун ўзаро муомалада умуман ёмон гаплар, сўзлар ишлатмайдилар. Мен учун кўчадаги ҳақоратлашлар шу қадар дағал туюлар-бирор **Og'riq** киши-нинг шунақа нохуш гапларини эшитганимда ичимда нимадир эзилиб кетарди, ўзимни кўярга жой топа олмай қолардим. Бугун мактабнинг юқори синфида таҳсил олаётганман. Бувимнинг айтишларича, бир пайтлар айрим маънан қоқоқ оилалардагина оталар, уларнинг ўғил фарзандлари шундай сўкинишган экан. Бугун эса, ҳатто тенгдош қизларнинг ҳам оғзида ана шундай нохуш сўзлар ўрнаша бошлади.

Устозларга саволим қуйидагича: наҳотки, маънан қоқоқ, ёмон оилалар кўпайиб кетди? Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун нималар қилишимиз керак?

**К.АХЛИДИНОВА**

## "АНҚО" СКАНВОРДИ

Тузувчи: Тожиали  
УМАРОВ

Дўкон →					Катта, улкан хум		Попук	Уй хайвони →	
Давлат, Америка		"... ва Киммат"	Қилич →						Хузур
			Туякуш	Туякуш →	Киролнинг бош кийими	"Чў"нинг қадимги аждоди	Тошкент бозорларидан бири		
					Шаҳар, АҚШ			Билан	Ҳисор тизмаси тармоғи
Католик маъраб маркази	Халқум	Нота →			Мол олиб-сотувчи			Нон тури	Сув
				Денгиз кўл	Отанинг акаси	Маугли дўсти			Номаълум сон
						Митра			
Кичик дарё	"... ва жамият"	Катта базм →					Нота	Катта таёқ	
		Италия футбол жамоаси						Ўзбек видеофильми	Юз минг
Уруғи топилмас куч	Исо, Биби Марям тасвирлари					"Узала (бадний фильм) Мор"			
			Оз	Машҳур кўзбойлогич					
Қадимги Волга		→ Саратон		Фан →					
Канал, Марказий Америка	Дудок	"... Диаб, хонанда			Кирмизи →				
					Вулкон →				

## Ma'rifat

**ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:**  
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

**Бош муҳаррир:**  
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-829.  
Тиражи 21368. 1 2 3 4 5 6  
Ҳажми 4 босма табок.  
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:  
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.  
Навбатчи:  
Шерали НИШОНОВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятта юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайдди.

® белгиси остида реклама материаллари берилди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-info.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими —136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

## Xullas...

### КЎРА-БИЛА ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ

Йошкар-Олада яшовчи пенсионер кампир эшиги тақиллаганда, тирқишдан қараб, уларнинг кимлигини билса-да, шоша-пиша 350 минг рублни қувурга бекитишга улгурди. Сўнгра уларнинг илтимосига биноан эшикни очиб, ҳожатхонага киритди. Шу лаҳзада уй бекаси бирор қори ҳол содир бўлмасмикан, дея юрагини ҳовучлаб турарди. Чунки эшик орқасидаги лўлилар у пулни ҳожатхонага бекитиб бўлиб, эшикни очганидан сўнггина, ерда қолдириб бўлмайдиган «илтимос»ларини айтишди.

Воқеа лўлилардан бирининг гўёки қорни оғриши, унинг ҳожатхонада узок қолиб кетиши билан давом этди. Иккинчиси авраб-авраб, кампирнинг кундалик эҳтиёжлари учун ажратиб қўйган икки минг рублини ўмаришга эришди. «Мехмон» ҳожатхонадан ҳадеганда чиқавермаган, кампир ундан қаттиқ ҳадиксирай бошлади. У шаҳар ташқарисидаги дала-ҳовлини яқиндагина сотиб, ўғлига квартира олиш учун бериб юбормоқчи эди.

Қисқаси, қорни оғриб қолган лўли титкилаб-титкилаб, ўша пулни топиб олган эди. Кампир минг оҳ-воҳ қилсин, фирибгарлардан ҳамёнини қайтиб ололмади.

Савол туғилади: тирқиш орқали ким турганини кўра-била туриб, кампир нега эшикни очди? Бу талон-торожлик учун кўр-кўрона шароит туғдиришдан бошқа нарса эмас.

### КЎП ГАПИРИШ ЗАРУРАТИ

Тўхтамасдан гапираётган одамни кўрганимиз? Аввало, бундай кишига дуч келмагансиз, агар учратсангиз ҳам, уни аҳмоқ ёки жинни деб ўйлашингиз, табиий. Аммо Жамил Носир ҳақида бу тарзда хулоса чиқаришга шошилиш ярамайди.

Қаҳрамонимизнинг мақсади энг юқори натижага эришиб, Гиннеснинг рекордлар китобига кириш. 56 ёшдаги бу киши 66 соат мобайнида тўхтамасдан гапириб турди. Қоғозга қарамай, боз устига ҳар қанақа гапни эмас, балки ўз касбига доир узундан-узок мавзу ҳақида гапириш унга осон кечмади. Ҳар саккиз соатда даъвогар куч тўплаш учун дам олиб турди. Уч кунлик узлуксиз сўзлаш марафонида Жамил Носир сувдан ташқари икки чашка қаҳва, жиндек крем истеъмол қилди, деб хабар беради Би-Би-Си.

Бу натижа зимбабвеллик Эррол Музавазиникидан бироз юқори. У 62 соат давомида Польша демократик жамияти ҳақида сўзлашга муваффақ бўлган.

## ana shunaqa gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида  
Лилия БИНАШЕВА  
ва Малоҳат ТОШОВА  
саҳифалари.

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акционерлик компанияси  
босмаҳонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон»  
кўчаси 41-уй

Босини топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди — 21.00.